

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

СПОРТ ВА МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИ КАФЕДРАСИ

ВОЛЕЙБОЛ

(ЖТИ I курс талабаларига мўлжалланган маъруза)

Тошкент – 2004

Мазкур маъruzалар матни спорт ва миллий ўйинлари кафедраси доценти А.А.Пўлатов томонидан тайёрланган.

1996 йил 24 майда кафедра мажлисида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Тақдим этилаётган маъruzалар тўплами ЖТИ ва ўзга олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия факультетларининг кундузги ва сиртқи бўлим талабалари, аспирантлари, МОФ тингловчилари, ҳамда ўқитувчи-теренерлар, ЖТ бўйича ташкилотчи-йўриқчилар ва барча мазкур спорт ўйини ихлосмандларига фойдаланиш учун тавсия этилади.

Тақризли: Футбол ва қўл тўпи кафедрасининг
мудири, педагогика фанлари
номзоди, доцент Нуримов Р.Э.

КИРИШ

Мустақил Ўзбекистоннинг равнақ топиши, уни иқтисодий ва ижтимоий томондан буюк давлат даражасига кўтарилиши ёш авлоду меҳнаткаш фуқароларнинг нафақат ақл-идроқи, билими ва малакаси, балки уларнинг саломатлигига, жисмоний баркамоллигига ҳам бевосита боғлиқдир. Ҳозирги давр тақдирини ва унинг истиқболини ижобий ҳал этиш, қайси соҳада бўлишидан қатъий назар ҳар бир фуқародан сергайратлик, тадбиркорлик, уддабуронлик ва ишбилармонлик каби хислатларни талаб қиласди. Мазкур хислатлар замонида эса куч, тезкорлик, чаққонлик ва чидамкорлик сифатлари ётади. Албатта, бу сифатларни фаол мақсадли шаклланиши ўз-ўзидан вужудга келмайди, балки инсоннинг онтогенетик тараққиёти жараёнида спорт ёки жисмоний тарбия билан мунтазам ва режага мувофиқ шуғулланиш эвазига амалга оширилади. Маълумки, бундай тадбирлар мутахассисларнинг маслаҳат, тавсия, назорати ва кўрсатмалари ёки умуман раҳбарлиги асосида ташкил этилиши даркор. Акс ҳолда – кўр-кўрона, маҳсус билимларга эга бўлмасдан ўзбилармонларча жисмоний машқлар билан шуғулланиш кўнгилсиз натижаларга олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Демак, спорт ва жисмоний тарбия бўйича ўрта ва олий маълумотли, малакали мутахассислар етиштириш муаммоси ўта долзарб масалалардан биридир. Аммо мазкур муаммони «буғунги» ва «эртанги» кун талабларига мос равишда ҳал этиш жисмоний институтлари, факультетлари, билим юртларига мўлжалланган ўқув ҳужжатларининг ўқув режаси, дастури, қўлланмалари ва ҳоказо/ҳаётйлиги, мақсад ва мазмуний моҳиятига боғлиқдир.

Маълумки, Ўзбекистон мустақил бўлгунга қадар ўқув юртлари учун «марказ»нинг ўқув ва илмий-текшириш институтлари ишлаб чиққан ўқув режалари, дастурлари, кўрсатма ва қўлланмалар асосий ўқув-услубий ҳужжат бўлиб хизмат қиласди. Уни қисман бўлсада маълум минтақанинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларига мослаштириш мушкул муаммо бўлиб келган.

Ҳозирги кунда республикамиз ўқув юртларида мазкур ўқув-услубий ҳужжатларини худудимиз иқлим шароитларига, мамлакатимиз анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари,

аждодларимизнинг ушбу соҳадаги мерос ва маслаҳатларига монанд ҳолда янгидан ишлаб чиқиш, максималлаштириш ва ҳаётта тадбиқ қилиш истиқлол заруриятидир.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида юқори малакали мутахассисларини тайёрлаш ўқув режасига биноан бир неча педагогик ихтисосликлар бўйича амалга оширилади. Жумладан, мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия бўйича мураббий ўрта мактаб ва билим юртларида, лицей, колеж, институт, университет, академияларда жисмоний тарбия бўйича ўқитувчи, армия, илмий тадқиқот институтлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа ташкилотларда жисмоний тарбия ва касбга мос жисмоний тайёргарлик бўйича йўриқчи, турар жойларда, муолажа, майший маданият, дам олиш ва бошқа шунга ўхшаш даргоҳларда соғломлаштириш жисмоний тарбия бўйича ташкилотчи деган ихтисосликлар институтнинг ўқув режасидан жой олган.

Бундан ташқари мазкур мутахассислик доирасида энг қўп тарқалган ихтисослик – бу спорт турлари бўйича мураббий /тренер/лар тайёрлашдир.

I. ВОЛЕЙБОЛ ИХТИСОСЛИГИ ФАНИ, УНИ МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия тизимида волейболнинг ўрни

Волейбол – ўзининг географик чегараси ва шуғулланувчилар сони жиҳатидан ниҳоятда кенг оммавийлашган спорт турлари қаторига мансубдир. 1996 йил июль ойида АҚШнинг Атланта шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон Конгрессида эълон қилинганидек волейбол жаҳон миқёсида футболдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Мазкур ўйинни ilk бор 1895 йилда “ихтиро” қилган Американинг Массачусетс штати, Холиок шаҳридаги коллежлардан бирининг жисмоний тарбия ўқитувчиси пастор Вильям Морган волейболни шу даражада оммавийлашиб кетишини ўз вақтида эҳтимол ҳаёлига келтирмаган бўлса керак.

Ўзбекистонда волейбол ўйини спорт тури сифатида 1920 йиллардан сўнг вужудга келган бўлиб, қисқа вақт ичида кескин оммавийлашиб кетди. Айниқса, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, водий вилоятлари, шаҳар ва қишлоқларда волейбол кенг тус олди.

Ўтган давр ичида республикамиз шарафини ҳимоя қилувчи “Ўқитувчи”, “Наука”, “Локомотив”, “Спартак”, “ОДО”, “Пахтакор”, “Автомобилист”, “Динамо” каби етакчи волейбол жамоалари турли миқёсдаги мусобақаларда ўз санъатларини навбатма-навбат намойиш қилиб келишди. Ватанимизнинг эркаклар ва аёллар жамоалари 1934 йилдан деярли 1988 ишлгача СССР чемпионатларида ва 1956 йилдан то 1986 йилгача собиқ итифоқ ҳалқлари Спартакиадасида иштирок этиб бирор марта совринморлар поғонасига кўтарилмаган бўлса-да, бир неча бор кучли олтилиқдан жой олишган. Мана шу давр ичида етакчи ўзбек волейболчилари етишиб чиқди. Булар қаторига ilk бор спорт усталигига сазовор бўлган Г.Худяков, Г.Багиров, Ю.Симонов, В.Кучеров, В.Ананич ва Р.Хусаиновлар киради. Аёллардан эса Л.Величкова, М.Катасонова, Л.Ишмаева, Л.Раҳманқулова, И.Назарова, олимпиада чемпионлари В.Дуюнова /Галушко/, Л.Павлова, ёшлар ўртасида Оврупо чемпионлари Л.Ишмаева, Л.Сулейкан, О.Белова, Л.Лепилина, О.Дубяга ҳамда эркаклардан С.Мячинлар Ўзбекистон шуҳратини ҳалқаро миқёста кўтардилар.

Ҳозирги кунга келиб ўзбек волейболи мустақил йўналишда тараққий этиб бормоқда. 1993 йил июль ойида Хитойни Шанхай шаҳрида ўтказилган VII Осиё чемпионатида мустақил Ўзбекистон Республикасининг аёллар жамоаси волейбол тарихида биринчи бор иштирок этиб фахрли 6 ўринни қўлга киритди.

Шуниси эътиборга лойиқки, истиқлолдан сўнг ўзбек волейболининг тараққиёти янгича йўналишда ривожланётгани қўзга ташланаёттир. Жумладан, 1992 йилдан бошлаб мунтазам ўтказилаётган Ўзбекистон миллий чемпионати ва ўқув муассасалари ўртасида ўтказилаётган 3 босқичли ("Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада") мусобақалар ўзбек волейболининг янада оммавийлашишига таъсир этмоқда. Мазкур мусобақаларда профессионаллик асосида тузилган жамоаларни иштирок этиши мақтовга сазовордир. Буларга "Каноп" /Самарқанд ш./, "Виктория" /Навоий ш./, "МХСК" /Чирчиқ ш./, "Автомобилчи" /Қўқон ш./, "Автомобилист" /Наманган/ ва СКИФ /Тошкент ш./ жамоалари мисол бўла олади. Ушбу жамоалар аъзолари бўлмиш А.Сович, Ш.Муслимов, И.Власов, А.Поповкин, С.Журавлев, И.Тамбиев /Навоий/, С.Баннов, А.Серебрянников, С.Мячин, А.Рибалкин /Самарқанд/, М.Шарипов, В.Домниди /Қўқон/, А.Колесников, Ф.Баватов, М.Маматюк, К.Пак, А.Жирнов /Тошкент/, И.Эрмиш, А.Касимов, Р.Князев, В.Петров /Чирчиқ/лар катта маҳорат кўрсатишмоқда. "СКИФ"ning аёллар жамоаси волейбочилари П.Кибардина, Н.Ходжаева, Е.Шпачук, С.Ашуркова ва бошқалар ҳам таҳсинга муносибидирлар. Бугунги кунга келиб янги профессионал клуб ва жамоаларнинг ташкил топиши ҳамда уларнинг шаклланиши давом этмоқда. Булар жумласига АГМК (Олмалиқ), Самарқанд Телеком УЗИ, КЕШ (Шахрисабз), Парвоз (Наманган), Ниҳол (Фарғона), Динамо (Андижон) жамоалари киради. Албатта барча спорт турлари сингари волейболининг ҳам оммавийлигининг кенгайиши фақаттина йирик мусобақаларни ўтказиш ва уларда иштирок этаётган малакали волейболчилар сони билан белгиланмайди. Аксинча, "катта" волейболни оммавийлиги жойларда – қишлоқ, шаҳар, мактаб ва барча ўқув юртларида шу спорт турига бўлган эътибор, уни тараққий эттириш ишлари билан ўлчанади. Афсуски, ҳозирги кунда жойларда волейбол бўйича ўринбосарлар тайёрлаш ишлари жуда суст маромда амалга

оширилмоқда, мутахассислар қўнимсизлиги, ҳатто айрим туман ва қишлоқларда уларни ўта танқислиги кўзга ташланади.

Ўқув юртларида волейбол бўйича ўтказиладиган жисмоний тарбия дарси ёки ўқув машғулотлари савияси анча паст бўлиб, моддий ва маънавий таъминоти талабга жавоб бермайди. Бинобарин, волейбол бўйича олий маълумотли, малакали мутахассисларни тайёрлашда айнан юқорида зикр этилган муаммоларни ҳамда ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қийин бўлган босқични муваффақиятли енга оладиган ёшларни танлаш ва уларни тарбиялаш истиқлол заруриятидир.

Айнан мазкур масъулият Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ва уни спорт ўйинлари кафедрасига юклатилган бўлиб, ҳозирги кунда бу масала бўйича талайгина, ташкилий, услугбий ва илмий ишлар амалга оширилмоқда.

Волейбол бўйича ўқитувчи-мураббий модели

Волейбол бўйича тренер-мураббийнинг касб фаолияти ўз моҳияти ва мазмuni билан ўзга педагогик ихтисосга муносиб бўлган (ўқитувчи, йўриқчи, ташкилотчи) мутахассислардан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ихтисослик фанини талқин қилишдан аввал мураббийнинг кўп қирралиқ фаолияти намунавий нусхасини – моделини ва уни мазмуний моҳиятини кўриб чиқиш лозим.

Модел - французча сўз бўлиб, нусха, андоза, намуна каби тушунчаларни англатади.

Мутахассис “модели” Зта асосий таркибий қисмдан иборат бўлиб, жамиятнинг тараккёт даражаси, ижтимоий сиёсий йўналиши ва касбга бўлган ихлос-қизиқиш хусусиятларига боғлиқдир.

Мутахассис “модели” жисмоний тарбия институтларини битирувчи спорт турлари бўйича ўқитувчи-тренерлар касбининг иш мазмуни ва уларга қўйиладиган талаблар билан ифодаланади.

Мазкур соҳа мутахассиси ўқув режасида қайд этилган ўқув фанларини умумий ва маҳсус йўналашини, маъмурий кўрсатмаларини, жисмоний тарбия ва спортга оид 1992 йил 14 январда қабул қилинган Қонун моҳиятини ҳамда барча дастурий ва шаҳодатлаш ҳужжатларини билиши, уларни амалиётга тадбиқ қила

олиши даркор. Мураббий оммавий спорт разрядлариға лойиқ волейболчиларни тайёрлаш, спорт ўринбосарлари ва юқори малакали спортчиларни етишириш тадбирларини, машғулотларни ташкил қилиш технологиясини ўзлаштирган бўлиш зарур.

Волейбол ихтисоси бўйича таҳсил олаётган талабалар 4 (кундузги бўлим) ва 5 (сиртқи бўлим) йил давомида назарий, амалий ва услубий машғулотлар ёрдамида волейболга оид бўлган барча билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштирадилар. Жумладан, назарий машғулотларда волейболни вужудга келиши, ривожланиш тарихи ҳамда замонавий волейболни аҳволи ҳақида билим берилади. Мазкур малакалар Ўзбекистон мисолида чуқурроқ ўрганилади. Ўйиннинг техник, тактик, психологик, жисмоний тайёргарлиги, уларни моҳияти ва мазмуни ихтисослик фанининг асосий мавзулари бўлиб ҳисобланади. Ўқув тренировка жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш, ўргатиш ва тақомиллаштириш технологияси, мусобақа қоидаси ва ҳакамлик қилиш услубияти, мусобақа ўтказиш илмий-тадқиқот ишларини ўрганишга оид материалларга алоҳида эътибор берилади.

Ихтисослик фанининг муҳим таркибий қисмларидан бири ўқув жараёнида ўқув амалиётини ташкил қилиш ҳамда ўқищдан ажralмаган ҳолда педагогик ва ташкилий-тренерлик касби (ўқитувчи, тренер, ташкилотчи) сирларини ўрганиш, унга хос малака ва кўникмаларни эгаллашдан иборат. Педагогик санъати, айниқса, ўрта мактабларда, спорт мактабларида, спорт жамиятларида ўтказиладиган ташкилий тренерлик амалиётларида шакллантирилади, мукаммаллаштирилади. Волейбол бўйича ўқув-тренировка шўйбаларига, БУСМларга танлов услублари ва машқлари (тестлари) асосида истеъододли болаларни жалб қилиш масалалари ихтисослик фанидан жой олган.

Семинар машғулотларида талабалар олган билимлари ҳақидаги маъruzалар ва ахборотлар тайёрлайдилар.

Турли шаклда олиб бориладиган машғулотларда ўзлаштирилган билим, малака ва кўникмалар тест талаблари асосида баллар бўйича шаҳодатланадилар (фақат кундузги бўлим талабалари).

Бундан ташқари ихтисосликнинг қўшимча йўналишларидан бири мустақил тайёргарлик ва спорт-педагогик маҳоратини тақомиллаштириш тадбирларини амалга оширадилар.

Спорт-педагогик маҳоратини такомиллаштириш машғулотлари факултатив (дарсдан ташқари) барча курслар давомида мунтазам ўтказилади. Мазкур машғулотларни асосий талабларидан бири – талабалар институтни битирув курсига қадар камида II спорт разрядига ва волейбол бўйича спорт ҳаками деган тоифага эга бўлишлари шарт. Курс ёки диплом иши ихтисослик фанида алоҳида ўрин эгаллайди. Талабалар турли мавзуларда мазкур услубий ва илмий-тадқиқот ишларни босқичма-босқич ишлаб чиқиб, битирув курсида ҳимоя қиласидилар.

Институтни битирувчи мутахассис касби ва ихтисосига хос фаолиятларни (қобилиятларни) ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозим. Жумладан, ечиладиган масалалар, ўтказиладиган тадбирлар ва барча соҳага оид ишларни оддиндан «лойиҳалаштириш», режалаштириш, андоза ва нусҳаларини чизиш, барча шуғулланувчи, тарбияланувчи ва умуман соҳа кишилари билан мақсадга мувофиқ алоҳида алоқа боғлай олиш; соҳага боғлиқ барча тадбирларни самарали ташкил қила олиш; ўз соҳаси бўйича билим доирасини кенгайтира бориш ва уни касб йўналишига жорий қилиш ва бошқа шу каби фаолиятлар мутахассис йўлдоши қилиб белгиланган.

Ихтисослик фанининг ўқув режасидаги ўрни

Жисмоний тарбия институтида волейбол бўйича мутахассис-тренернинг модели ўзига муносиб мазмун ва моҳиятга эгадир. Институтни ўқув режасида ихтисослик фани ўзга фанларга нисбатан энг кўп – 574 соатни ташкил этади. Курслар бўйича: I курс – 142 соат, II курс – 118 соат, III курс – 152 соат, IV - 162 соатдан иборат.

Ваъз машғулотлари: I курс – 16, II курс – 20, III курс – 26 ва IV курсда – 18 соатни ташкил этса, амалий машғулотлар эса курсларга биноан 126, 98, 125 ва 144 соатдан иборат.

Бундан ташқари Ўзбекистон Давлат ЖТ институти талабалари қайси спорт ихтисослигига мансублигидан қатъий назар ўқув режасига биноан барча ижтимоий-сиёсий, назарий, тиббий-биологик ва ўзга спорт турлари назарияси ва услубияти каби фанлар бўйича билим оладилар. Жумладан, I курсда ўқув режасига асосан Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқшунослик, ўзбек тили, чет тили, Ўзбекистон ЖТ тарихи, спорт

метрологияси, умумий ва спорт биохимияси, анатомия, гимнастика, енгил атлетика, волейбол каби фанлар ўтилади. II курсда – маданиятшунослик, диншунослик, фалсафа, ўзбек (рус) тили, чет тили, компьютер техникаси, биомеханика, биохимия, спорт турлари, III курсда – этика, эстетика, умумий ва спорт физиологияси, умумий ва спорт психологияси, педагогика, IV курсда - иқтисод назарияси, спорт иқтисодиёти ва социологияси, педагогик ва тренерлик амалиёти ва бошқа кўпгина фанлар бўйича таълим берилади.

Битириув курси якунида талабалар даволаш жисмоний тарбияси физиологияси ва спорт тиббиёти, Ўзбекистон тарихи, чет тили ва танланган спорт тури назарияси услубияти (иҳтисослик) фанларидан давлат имтиҳонлари топширадилар.

2. ВОЛЕЙБОЛНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ХОЗИРГИ АҲВОЛИ

Волейбол ўйини ҳақида умумий тушунча

Волейбол жамоаси ўйин турларига мансуб бўлиб, ўйинда икки жамоанинг ҳар бирида 6 киши бўлиши шарт. Заҳирадаги ўйинчилар сони 2 тадан 6 тагача бўлиши мумкин.

Ўйинчиларнинг спорт кийими – футболка, труси ва шиппак. Ўйинчиларнинг ёши ва жинсига қараб тўрнинг баландлиги қуидагича бўлади:

қизлар	13 – 14	2 м 10 см
	15 – 16	2 м 20 см
аёллар	17 – 18 ва бундан катта ёшдагилар учун	2 м 24 см
ўғил болалар	13 – 14	2 м 20 см
	15 – 16	2 м 35 см
эркаклар		2 м 43 см

Ўйин уч ёки беш партиядан иборат бўлиб, ҳар бир партия 15 очкогача давом этади. Агар очколар 15:15 бўлса, ўйин 17 очкогача давом этади. Сўнгти партия (3- ва 5-)да ўйин ҳисоби “тайм-брек” асосида олиб борилади. Яъни ўйиндаги ҳар бир ҳаракат натижасига қараб тўпни ўйинга киритиш ҳуқуқи қайси жамоада бўлишидан қатъий назар жамоага мағлубият ёки фалаба келтириши мумкин. Ҳал қилувчи партияда ўйин 2 очко фарқ қилгунча давом этади. Ўйин жараёнида техник малакаларни бажаришдаги хатолар:

- Тўпни ўйинга киритишда: агар ирғитилмасдан тўғри “қўлдан” урилса;
- Тўпни ўйинга киритишда белгиланган чегара чизиқларини босиш, тўп ирғитилсаю, лекин урилмасдан танага тегса ва ҳоказо;
- Тўпни узатишда: тўп кафтга тегса – илиб отилса, икки қўл кема-кет тегса ёки ҳам танага, ҳам қўлга тегса ва ҳоказо;

- Зарба беришда: тана ва тана қисмларини тўрга тегиб кетиши (9 метрли белгиланган чегара оралиғида), қўниш вақтида оёқ ўрта чизиқдан бутунлай ўтиб кетса, рақиб томонидаги тўпга тегилса ва ҳоказо.

Ҳимояда:

- Тўпни қабул қилишда: агар тўпни узатишдаги хатолар бўлса;
- Тўсиқ қўйишида: зарба беришдаги хатолар бўлса, очко олишдан ёки тўпни ўйинга киритиш ҳуқуқидан маҳрум қиласди.

Волейбол ўйинининг вужудга келиши, унинг дастлабки қоидалари.

Волейбол 1895 йилда Америка қўшма штатларининг Массачусетс штатидаги Холиок шаҳрида ёш христианилар иттифоқини жисмоний тарбия бўйича раҳбари пастор Вильям Морган томонидан яратилган. У волейбол ўйинини оддий, кўп маблағ сарфламасдан ташкил этишини кўзда тутиб янги ўйиннинг қоидаларини ишлаб чиқди.

1896 йилда Спрингфилд шаҳридаги коллеж директори доктор Альфред Халстед бу ўйинга “волейбол” деб ном берди. “Волейбол” инглизча сўз бўлиб, ўзбек тилида “парвоз қилувчи тўп” деган маънони билдиради.

1897 йилда тадбиқ этилган баъзи бир ўйин қоидалари қуидагида эди:

1. Майдонча чегаралари $7,6 \times 15,1$ м
2. Тўрнинг ўлчамлари $0,65 \times 8,2$ м, баландлиги 198 см
3. Тўпнинг вазни 340 г, айланаси $63,5 - 68,5$ см
4. Ўйинчиларнинг сони чегараланмайди ва ҳоказо.

1895-1920 йиллар волейбол ўйини ривожланишининг биринчи босқичи бўлиб ҳисобланади.

Ўйиннинг бошқа давлатларда вужудга келиши ва ривожланиши қуидагида:

1900 й – Канада, 1908 й – Куба, 1909 й – Пуэрто-рико, 1910 й – Перу, 1917 й – Бразилия, Уругвай, Мексика, Осиёда 1900-1913 йиллар – Япония, Китай, Филиппинда, 1914 й – Англия, 1917 й – Франция.

Волейбол ўйинининг собиқ иттифоқда вужудга келиши ва ривожланиш тарихи

Волейбол собиқ иттифоқда 1920-1921 йилларда ўрта Волга (Қозон, Нижний Новгород) ноҳияларида тарқала бошлади. 1922 йилдан бошлаб волейбол Всеобуч (Умумий ҳарбий тайёргарлик) таркибиға киритилди.

Москвада волейбол билан мунтазам шуғулланишга санъат ва театр вакиллари киришдилар. 1923 йилда ташкил этилган «Динамо» жамияти спортнинг бошқа турлари билан бир қаторда волейболни ҳам тарғиб қила бошлади.

Худди шу йилларда волейбол Узбек Шарқда – Хабаровск ва Владивостокда пайдо бўлди. 1925 йилдан эса Украинада ҳам ривожлана бошлади.

ССЖИда жисмоний тарбия ва спортнинг кейинги тараққиёти учун РКП/б/ МК 1925 йил 13 июл қарори катта аҳамиятга эга бўлди. Унда оммани тарбиялашнинг самарали усулларидан бири бўлган жисмоний тарбия ва спортни кенг ривожлантириш зарурлиги уқтириб ўтилди. Марказий қўмита қарори волейболнинг тобора тараққий этиб боришига кучли таъсир курсатади. Совет волейболчилари ўз олдиларига мамлакатда волейболни оммалаштириш, тарбиявий ишларни кучайтириш, техника ва тактикани мукаммалаштириш, ўйинчиларни ҳар томонлама жисмоний тайёргарлигини юксалтириш каби қатор вазифаларни қўйдилар.

Волейбол ҳамма ерда тарқала бошлади. Шу билан боғлиқ равишда мусобақаларнинг ягона қоидаларини ишлаб чиқиш зарурати туғилди.

1925 йилнинг январида Москва жисмоний тарбия кенгаши волейбол бўйича мусобақаларнинг биринчи расмий қоидалрини тузиб тасдиқлади. Тўрнинг баландлиги – аёллар учун 2 м 20 см ва эркаклар учун – 2 м 40 см қилиб белгиланди. Аёллар жамоаларида ўйин 15 x 7,5 ўлчамли майдончада ўтказиладиган бўлди.

1926 йилда Москвада янги қоидалар асосида биринчи мусобақалар ўтказилди. 1927 йилдан волейбол бўйича Москва биринчилиги мунтазам равишда ўтказила бошлади.

«Собиқ Иттифоқида» биринчи босмадан чиқарилган волейбол бўйича маҳсус адабиёт 1926 йилда 9 пайдо бўлди ва у «Волейбол ва муштлар жанги» деб ном олган эди. Унинг муаллифлари С.В.Сисоев ва А.А. Марку...эди.

1926 йилда яна бир қатор муҳим воқеалар бўлиб ўтди, яъни волейбол Бутуниттифоқ жисмоний тарбия кенгашининг ўйинлар шўъбаси волейбол бўйичамусобақаларнинг ягона қоидаларини тасдиқлади. Харьковда москвалик ва харьковлик волейболчиларнинг шаҳарлараро учрашуви ўтказилди.

Шу йилларда волейбол фақатгина Москвада эмас, балки Украинада, шимолий Кавказда, Кавказортида, Узок Шарқ ва Ўрта Волга ўлкаларида ҳам кенг тарқалди.

«ССЖИ» волейболда тааллуқли муҳим воқеалардан бири 1928 йилнинг августида биринчи Бутуниттифоқ спартакиадаси вақтида ўтказилган Иттифоқ биринчилиги бўлди. Унга Москва, УССЖ, Шимолий Кавказ, Кавказорти Федерацияси ва Узок Шарқ ўлкасининг эркаклар ва аёллари қатнашадилар. Мусобақалар чиқиб кетиш тартибида ўтказилди. Москва аёллар жамоаси ва Украинанинг эркаклар жамоаси ғолиб чиқдилар.

Биринчи Бутуниттифоқ спартакиадасида волейболчиларнинг учрашувлари мусобақа қоидаларининг алоҳида бандларини ягона тартибда изоҳлаш учун имкон берди. Шуни айтиб ўтиш керакки, бу ерда аёллар жамоалари биринчи бор нормал ўлчовли майдончаларда (18/9 м) ўйнайдилар. Совет Иттифоқининг турли минтақаларида волейбол тараққиётида хилма-хил йўналишлар юзага кела бошлади. Украиналиклар жамоали ўйин тактикасини ва фидокорона ҳимояни намойиш этдилар, москваликлар кучли ҳужумчи эканликлари билан кўзга ташландилар, Узок Шарқликлар эса паст узатилган тўп билан ҳужум қилишдек ажойиб янгилик олиб келдилар.

Шуни таъкидлаш керакки, терма жамоаларнинг Бутуниттифоқ спартакиадасига тайёрланиши волейболнинг жойларда оммавий равишда ривожланишига туртки бўлди. Бутуниттифоқ спартакиадаси арафасида ўтказилган Украина биринчилигига жумҳуриятнинг вилоят шаҳарларидан 21 жамоа иштирок этди. Кавказортининг энг кучли жамоасини аниқлаш учун Боку, Тифлис ва Ереван шаҳарларининг жамоалараро учрашувлари ўтказилди.

Худди ўша 1928 йилда Москвада доимий ҳакамлар уюшмаси ташкил этилди.

Волейбол тараққиётида мактаб ўқувчиларининг спартакиадаси ҳам (1929) катта аҳамиятга эга эди. Бу спартакиа қатнашчиларидан кўпчилиги кейинчалик волейбол усталари бўлиб етишдилар.

Шаҳарлараро мусобақалар сони анчагина ортди, бу эса турли техник усулларнинг пайдо бўлишига, волейбол тактикасининг ривожланишига, ўйинчилар жисмоний тайёргарлигининг ўсишига олиб келди. Шу даврда ўйинчилар майдонга тўпни куч билан киритиш, алдов зарбалари усулларини кенг қўллай бошладилар, узатиш техникасига эътибор бердилар, химоянинг аҳамияти ортиб ўйин тезкор, шиддатли бўла бошлади, натижада ўйинчиларнинг ҳаракатчанлигига талаб ошди.

1931 йилда БЛКЕИ ташаббуси билан мамлакатимизга жисмоний тарбиянинг асоси бўлган «Меҳнат ва мудофаага тайёр» Бутуниттифоқ комплекси таъсир этилди. Бу тадбир волейболчиларнинг умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлигини юксалтиришгагина эмас, балки ёшларни волейбол машғулотларига жалб этишга ҳам имконият яратди.

Волейболнинг оммавий ривожланиши ва кенг тарғиб қилинишида кўпгина маданият ва истироҳат боғларининг майдончаларида ўtkазилган мусобақалар катта аҳамиятга эга эди. Москвадаги марказий маданият ва истироҳат боғининг 20 та майдончаси атрофида томошабинлар йиғиладилар. Ўtkазилаётган ўйинлар фақат москваликлар учун эмас, балки чет эллик меҳмонлар учун ҳам яхшигина мактаб эди. Шунинг учун 30-йилларда Олмонияда (Германия) «Волейбол – рус ҳалқ ўйини» деб номланган волейбол бўйича мусобақа қойдалари китобча ҳолида чоп этилди.

Турли шаҳарларнинг энг кучли жамоалари орасида биринчиликлар ўtkазиб турилди. 1931 йилда Харьковда Москва, Днепропетровск ва майдон эгаларининг эркак ва аёллар жамоалари учрашдилар. Москвалик аёллар ғолиб чиқдилар, ҳар уччала эркаклар жамоаси биттадан мағлубият ва ғалабага эга бўлдилар. Бу учрашувлар «тез суръатли» ўйиннинг аҳамияти анча ортганлигини таъкидлади.

1932 йилдан волейбол барча катта спартакиадаларнинг дастурига тенг ҳуққи спорту сифатида киритилди. Шу сабабдан волейбол

бўйича бутуниттифоқ мусобақаларининг ҳар йили мунтазам ўтказиб турилиши ҳақидаги масала кўтарилиди.

1932 йилнинг баҳорида Бутуниттифоқ жисмоний тарбия кенгаши қошида волейбол секцияси ташкил топди ва унинг таркибига А.Поташник (раис), В.Осколков, М.Вильграт, Ю.Багон, В.Крюк ва бошқалар киритилдилар.

1932 йилдан аввал «Волейболчиларнинг Бутуниттифоқ байрами» деб аталган «Совет Иттифоқи» биринчиликлари мунтазам ўтказила бошлади.

Волейбол бўйича ССЖИ биринчилиги илк бора Днепропетровск шаҳрида 1983 йилнинг 4-6 апрелида бўлиб ўтди. Мусобақаларда аёллар жамоаси (Москва, Днепропетровск, Харьков, Боку, Минск) ва 5 та эркаклар жамоаси (Москва, Днепропетровск, Харьков, Тифлис, Минск) иштирок этди. Айланма тартибда ўтказилган ўйинлар кўп сонли томошабинларни ўзига жалб қилди. Кизиқарлиси биринчилик тугагач, москвалик аралаш жамоаларнинг кўргазмали ўйинлари ўтказилди. Ҳар бир жамоа таркибида 3 аёл ва 3 эркак бор эди.

Волейбол бўйича ССЖИ иккинчи биринчилиги 1934 йилда Москвада ўтказилди. Унда таркибида 9 кишилик аёллар ва эркаклар жамоалари қатнашдилар. Бутуниттифоқ майдонида энди Ленинград, Свердловск, Горький, Ростов, Тошкент жамоалари пайдо бўлди. Шу йилнинг охиридаёқ Москва терма жамоаси Узоқ Шарқ сафарига чиқиб, Владивосток, Чита, Улан Уде, Новосибирск ва Тюменда кўргазмали учрашувлар ўтказдилар. Бу эса, шубҳасиз волейболнинг Узоқ Шарқда кенг тарқалишига шароит яратди.

Учинчи (1935 й, Боку) ва тўртинчи (1936 й, Ростов) ССЖИ биринчиликлари кўптина умумий томонларга эга эди. Улар энди ёпиқ майдонлар-залларда ўтказилди.

Терма жамоаларнинг барча беллашувлари жамоали ўйиннинг устунлиги шиори остида ўтди. Бу биринчиликларнинг ғолиби бўлиб айнан шу жамоали ўйини билан донғи кетган Москва жамоалари чиқдилар.

Ёшлиар орасида волейболни оммаланишига қаттиқ туртки бўлган ҳодиса 1935 йилнинг августида ўтказилган мактаб ўқувчиларининг бутуниттифоқ биринчилиги ҳисобланади. 12 шаҳар ва вилоят жамоалари иштирок этган бу мусобақаларнинг биринчи босқичи

чиқиб кетиш тартибида, яқунловчи (финал) ўйинлар эса айланма тартибда ўтказилди. Ҳар бир шаҳар жамоаси учун уч команда: катта ва кичик ёшдаги йигитлар ҳамда катта ёшдаги қизлар қатнашди.

1935 йил ўйинчиларининг ҳалқаро учрашувларда биринчи бор куч синашиб кўрганилиги тарихда ўчмас из қолдирди. Тошкентда ва Москвада волейболчиларимизнинг Афғонистон жамоаси билан иккита ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Ўйин афғон қоидалари асосида ўтказилганлигига қарамай (жамоада 9 ўйинчи бор эди, ўйин 22 очкога давом этди, ўйинчилар майдонда жой алмашмадилар) совет волейболчилари осонгина ғолибликка эриштилар.

1936 йилнинг энг оммавий ўйинларидан бири ВЦСПС Кубоги учун 100 дан ортиқ жамоа билан ўтган мусобақалар бўлди. Кубокни Москванинг аёллар ва эркаклар жамоаси «Медик» қўлга киритди.

Волейболнинг техника ва тактикасигина эмас, мусобақа қоидалари ҳам ўзгаришда давом этарди, яъни 1935 йилда эркаклар учун 2 м 45 смга қўтарилиди, 1937 йилдан эса аёллар 2м 25 см бўлиб қолди. Майдончада хужум чизиги белгиланди ва олд ҳамда орқа чизик ўйинчилари деган тушунча пайдо бўлди, бу эса алоҳида ўйин ихлосмандларининг ҳаракатларини чегаралаб қўйди. Шу йилда ёқ ўйинга тўп киритиш жойи майдончанинг орқа ва ўнг қисмидан 3 м қилиб белгиланди. Сабабидан қатъий назар ўйинчиларни алмаштиришга руҳсат берилди (илгари алмаштиришга фақат баҳтсиз ҳодисалардан кейин йўл бериларди).

1938 йилда ССЖИ биринчиликларини ўтказиш қоидаларида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Бу йилнинг биринчиликлари ёзги майдонларди спорт жамиятлари командалари орасида ўтказилди. Дастребки ўйинлар Иттифоқнинг турли шаҳарларида ўтди, якуний ўйин эса Москвада бўлди. Биринчилик кўпгина янги жамоаларни ўзига жалб этди ва ҳамма ерда волейболчиларнинг ишига жонланиш олиб кирди. ССЖИнинг кейинги биринчилиги (1939-1940) худди шу тартибда ўтказилади.

Тренерлар ва ўйинчиларнинг техника ва тактика соҳасидаги изланишлари давом этаверди. Хужумнинг аҳамияти ортиб бораёттанлиги билан боғлиқ равишда жамоаларни 6 нафар хужумчидан иборат қилиб шакллантиришга уринишлар бўлди. Москва терма жамоаси 1937 йил ва Ленинград терма жамоаси 1938 йил.

Ўйинчилар тўр чеккасидан туриб зарба беришусулини қўллай бошладилар. Москва спартакчилари биринчи узатищаёқ мұваффақият билан зарба берадиган бўлдилар. Ўйинга ён томн билан кучли тўп киритиш катта аҳамият касб этди. Якка тўсиқ қўйиш сифатини оширган ҳолда айрим жамоалар гурӯҳ бўлиб тўсиқ қўйишга ўтдилар.

Уруш арафаси йилларида жамоаларнинг асосий таркибига ёш ўйинчилар кўплаб кириб кела бошлади.

Улуг Ватан уруши мамлакатимизда волейболнинг тараққиётини тўхтатиб қўйди. Кўпгина спортчилар фронтга кетдилар. Аммо мамлакатда спорт ҳаёти бутунлай «ўлиб» қолагни йўқ. Бу даврда волейбол ҳарбий қисмларга кириб борди. 1943 йилдаёқ фронт орқасидаги волейбол майдончаларига жон кирди. Шу йили Москва ва бошқа шаҳарларнинг биринчиликлари ўтказилди. 1945 йилда волейбол бўйича мусобақалар Москва, Ленинград, Боку, Тбилиси шаҳарларида бўлиб ўтди. Тўгаракларда ўқув-машғулот ишлари мунтазам равишда ўтказиладиган бўлди. Етакчи мутахассислар урушгача бўлган давр тажрибасини умумлаштирилар. Жамоанинг хужумчилик ҳаракатларини қўққисдан, кутилмагандан амалга оширишга катта эътибор берилди.

1945 йилдан ССЖИ биринчиликлари узлуксиз ўтказиб келинмоқда. Урушдан кейинги дастлабки узлуксиз биринчиликларнинг голиблари – «Динамо» эрқаклар жамоаси ҳамда «Локомотив» аёллар жамоаси эди. Бу мусобақалар хужумчиларнинг аҳамияти ўсиб бораётганигини кўрсатди. Динамочилар асосий таркибида тўрт хужумчига эга эдилар ва шу жиҳатдан икки ёки уч хужумчи билан ўйнайдиган бошқа жамоалардан фарқ қиласдилар. Тактикада ҳам ўзгаришлар бўлди – биринчи узатиш ёки тўпни «отиб» беришдан хужум қилиш кенг қўллана бошлади. Гуруҳли тўсиқ қўйиш, кучли тўп киритишларнинг кам ишлатилишини эса асосий камчиликлар қаторига киритиш мумкин.

1947 йили Иттифоқ терма жамоаси ҳалқаро доирага чиқиши билан диққатга сазовор бўлди. Прагада бўлган демократик ёшларнинг биринчи Ҳалқаро фестивалида волейбол бўйича мусобақалар ўтказилди ва уларда Чехославакиянинг ёш жамоаси, Югославия ҳамда Ленинград терма команда (жамоа)лари қатнашди. Чехославакия терма

жамоаси учрашувда қаттиқ қаршиликка дуч келди. Совет волейболчилари шу учрашувда устун чиқдилар ва демократик ёшларнинг Халқаро фестивали ғолиби бўлдилар. Чехлар билан бўлган учрашувда «волейболчиларимиз» биринчи бор шамсимон тўп киритиш вазиятига тўқнаш келдилар. Шу йилнинг кузида ССЖИ уч карра ғолиблари Москва динамочилари Польшага ўртоқлик учрашувларига бордилар. Кейинги йилларда совет волейболчиларининг халқаро алоқалари тобора кучайиб борди.

1948 йилда Бутуниттифоқ волейбол шўйбаси Халқаро волейбол федерацияси (ФИВБ) аъзолигига қабул қилинди, кейинги йилда эса «волейболчиларимиз» биринчи марта расмий халқаро мусобақаларда иштирок этдилар.

Шу йилни сентябр ойида Прагада эркаклар жамоалари орасидаги биринчи жаҳон биринчилиги ва аёллар жамоалари ўртасидаги биринчи Европа биринчилиги бўлиб ўтди. Бундай йирик мусобақалар «бизнинг волейболчиларимиз» учун катта тайёргарлик бўлиб, Будапештда ўтган демократик ёшларнинг иккинчи халқаро фестивалида қатнашиш учун хизмат қилди. Бу ерда бизнинг спортчиларимиз ғолибликка эришган эдилар. Жамоалримизнинг Жаҳон ва Оврупа биринчилигидаги дастлабки расмий мусобақалари ҳам ажойиб муваффақиятлар билан якунланди. «Аёллармиз» жамоаси барча учрашувларда 3:0 ҳисобида ютиб, биринчи ўринни эгаллади. Эркаклар жамоаси ҳам барча ўйинларни аъло даражада ўтказди.

Ҳар иккала совет жамоаси энг кучли деган номни кейинги икки Европа биринчилигида – 1950 йилда Софияда, 1951 йили Парижда ҳам оқлади.

Эркаклар ўртасида иккинчи жаҳон биринчилигини ва аёллар ўртасидаги биринчи жаҳон биринчилигини 1952 йили Москвада ўтказишга қарор қилинди. Мусобақалар кўп сонли томошабинларни ўзига жалб қилди. Омад яна бизнинг ҳамма учрашувларда 3:0 ҳисобида ғалаба қозонган жамоаларимизга кулиб боқди.

Кейинги йилларда расмий халқаро мусобақаларда терма жамоалари натижаси кескин пасайиб кетди. 1955 йилда Бухарестда ўтказилган Европа биринчилигида эркакларимиз бор йўғи тўртинчи ўринни эгалладилар, аёллар эса биринчи ўринни чехларга бўшатиб бердилар. 1956 йилда Парижда ўтказилган жаҳон биринчилигида

ССЖИ аёллар терма жамоаси иккинчи марта ғолиб деган номни олишга муваффақ бўлди, эркаклар жамоаси эса олдинга Чехославакия ва Руминия жамоаларини ўтказиб юборди. 1958 йилда Прагада бўлга Европа биринчилиги халқаро доирадаги кучли муносабатини ўзгартира олмади. «Бизнинг эркаклар» терма жамоаси учун бундай жиддий ва узоқ давом этган омадсизликни, биринчи навбатда, 1952 йилдаги жаҳон биринчилигидан кейин жамоа асосий таркибида содир бўлган кескин ўзгаришлар билан тушунтириш мумкин. Узоқ вакт асосий таркибида ўйнаган фахрийлар жамоани жамоани тарқ этдилар, ёшлар эса «катта» авлод ўрнини босишга ҳали тайёр эмас эди. Бундан ташқари, халқ демократияси мамлакатларининг, биринчи навбатда Чехославакия, Руминия, Венгрия, Польша давлатларининг миллий терма жамоалари ўйин даражаси кескин кўтарилиб кетганлиги ҳам ана шундай ҳолатни юзага келтирди.

1959 йилда Парижда ўтказилган уч қитъа беллашуви дунёning энг кучли жамоаларини йиғди. Асосий рақиблар (Руминияни 3:0, Чехославакияни 3:2 ҳисобида) устидан ғолиб келиб, ССЖИ эркаклар жамоаси узоқ танаффусдан сунг халқаро мусобақаларда яна биринчilikни қўлга киритди.

Аёллар ўртасидаги учинчи ва ва эркаклар ўртасидаги тўртинчи жаҳон биринчилиги Европада эмас, 1960 йилда Бразилияда ўтказилди. ССЖИ чилар терма жамоаси ўзининг энг кучли эканлигини яна бир бор исботлаб, кетма-кет уч марта жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Илк марта қатнашаётган Япония аёллар жамоасининг кумуш нишон совриндори булинни катта шов-шув кўтарди. ССЖИ эркаклар терма жамоаси яна жаҳон чемпиони номига эга бўлди.

1962 йилда Москвада иккинчи марта – аёллар ўртасидаги тўртинчи, эркаклар ўртасидаги бешинчи – жаҳон биринчилиги ўтказилди. «Бизнинг аёлларимиз» кумуш нишонга сазовор бўлдилар. ССЖИ эркаклар терма жамоаси эса яна Чехославакия ва Руминия терма жамоаларини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони номини оқлади. Бу даврда Япония, Польша, ГДР, Хитой каби мамлакатлар жамоалрининг ўйин даражаси ниҳоятда ошганлигини эътироф этиш керак. Жаҳон биринчилиги кўпгина жамоаларининг техникаси ўстанлигини кўрсатди.

1963 йилги Европа биринчилиги Руминияда ўтди. ССЖИ аёллар терма жамоаси омадсизликка учраган, эркаклар терма жамоаси бронза нишонларини қўлга киритди. Шу йилнинг кўпгина халқаро мусобақалари Токиода бўладиган Олимпиада ўйинларига тайёргарлик сифатида ўtkазилди. Айrim жамоалар асосий таркибини 5x1 тартибида шакллантира бошладилар.

Токио олимпиада ўйинларидаги волейболчилар куч синашуви 1962 йилги жаҳон биринчилигида совринли ўринларни эгаллаган жамоалар маҳоратини таъкидлади. Япония аёллар жамоаси ва ССЖИ эркаклар жамоаси биринчи олимпиада ғолиблари бўлдилар, ССЖИ аёллар терма жамоаси кумуш нишонлар олишга эришди. Токио мусобақалари жамоаларнинг маҳорат даражаси тобора ўсиб бораётганини исботлади. Агар илгари совринли ўйинларга 2-3 жамоа даъвогарлик қилган бўлса, энди уларнинг сони 5-6 тага етди. Ҳатто 3:0 ҳисоби ҳали ғолиб жамоанинг сўзсиз устулигидан далолат бермай қўйди. Токио мусобақалари давомида ҳакамлар ҳайъатининг ийғилиши бўлиб, унда мусобақа қоидаларидағи ўзгаришлар тасдиқланди. Бу ўзгаришлар 1965 йилдан кучга кирди.

1965 йилнинг июлида Венгрияда ўсмиirlар(20 ёшгача) жамоалари ўртасида биринчи вропа биринчилиги бўлиб ўтди. Бу беллашувда 12 та аёллар ва 16 та эркаклар жамоаси қатнашди. Европанинг ўсмиirlар ўртасидаги мусобақаларнинг ilk чемпионлари деган номга ССЖИ ўсмир қизлар ва йигитлар жамоалари сазовор бўлди. Шу йилнинг ўзида Чехославакияда эркаклар ўртасида 6 жаҳон биринчилиги ўtkазилди. Турли мамлакатларнинг 22 миллий жамоаси қатнашган бу мусобақаларда Чехославакия терма жамоаси ғолиб чиқди. ССЖИ терма жамоаси учинчи ўринни олди. 1966 йилги жаҳон биринчилигининг ўзида хос хусусияти шунда эдики, бу даврга келиб кўп жамоалар ўйин даражаси жиҳатидан ўзаро тенглашди. Совринли ўринларга 5-7 жамоа даъвогарлик қилди. Жамоалрнинг ҳеч бири мусобақалардан мағлубиятсиз ўтмаганлиги ҳам юқоридаги фикрларнинг далилидир. Дунёнинг энг кучли волейболчилари – Чехославакия, Руминия, ССЖИ терма жамоалари билан ГДР (4 ўрин) ва Япония (5 ўрин) ўйинчилари маҳорат нуқтаи назаридан тенглашиб олдилар. Хитой, АҚШ, Куба ва Бразилия волейболчиларининг ўйин даражаси ҳам сезиларли ўсади.

Замонавий волейболни янада такомиллашувида, уни техник-тактик нүқтаи назардан шаклланишида ва оммавийлигини ортишида мунтазам ўтказиладиган чемпионатлар, спартакидалар, кубок ўйинлари катта аҳамият кашф этди. Қуйида тақдим этилаётган жадвалларда собық иттифоқ чемпионатлари, иттифоқ халклари спартакиадаси Европа ва жаҳон биринчиликларида клуб ва терма жамоаларнинг эришган натижалари тарихий маълумот тариқасида ёритилган (1,2,3,4,5 – жадваллар).

1- жадвал

ССР халқлари спартакиадаси чемпионлари		
Йил	Эркаклар	Аёллар
1956	Украина	РСФСР(Москва)
1959	РСФСР(Ленинград)	РСФСР(Ленинград)
1963	РСФСР(Москва)	РСФСР(Москва)
1967	Украина	РСФСР(Москва)
1971	РСФСР(сб.обл.краев,АССР)	РСФСР(Москва)
1975	РСФСР(Москва)	Украина
1979	РСФСР(Москва)	Япония
1983	Латвия	РСФСР(Москва)

2-жадвал

Олимпиада ўйинлари			
Йил	Ўтказилган жой	Эркаклар	Аёллар
1964	Токио	СССР, ЧССР, Япония	Япония, СССР, Польша
1968	Мехико	СССР, Япония, ЧССР	СССР, Япония, Польша
1972	Мюнхен	Япония, ГДР, СССР	СССР, Япония, КНДР
1976	Мирайль	Польша, СССР, Куба	Япония, СССР, Ж.Корея
1980	Москва	СССР, Болгария, Руминия	СССР, ГДР, Болгария
1984	Лос-Анжелес	АҚШ, Бразилия, Италия	КНР, АҚШ, Япония

3-жадвал

Жаҳон биринчилиги		
Йил	Ўтказилган жой	Эркаклар
1949	Чехославакия	СССР, ЧССР, Болгария
1952	СССР	СССР, ЧССР, Болгария
1956	Франция	ЧССР, Руминия, СССР
1960	Бразилия	СССР, ЧССР, Руминия
1962	СССР	СССР, ЧССР, Руминия
1966	Чехославакия	ЧССР, Руминия, СССР
1970	Болгария	КДР, Болгария, Япония, СССР – 6 ўрин
1974	Мексика	Польша, СССР, Япония
1978	Италия	СССР, Италия, Куба
1982	Аргентина	СССР, Бразилия, Аргентина
1986	Франция	
Аёллар		
1952	СССР	СССР, Польша, ЧССР
1956	Франция	СССР, Руминия, Польша,
1960	Бразилия	СССР, Япония, ЧССР
1962	СССР	Япония, СССР, Польша
1967	Япония	Япония, АҚШ, Перу
1970	Болгария	СССР, Япония, КНДР
1974	Мексика	Япония, СССР, Ж.Корея
1978	СССР	Куба, Япония, СССР
1982	Перу	КНР, Преу, АҚШ
1986	Чехославакия	

4-жадвал

Оврупа биринчилиги		
Йил	Ўтказилган жой	Эркаклар
1948	Италия	ЧССР, Франция, Италия
1950	Болгария	СССР, ЧССР, Болгария
1951	Франция	СССР, Болгария, Франция
1955	Руминия	ЧССР, Руминия, Болгария
1958	Чехословакия	ЧССР, Руминия, СССР
1963	Руминия	Руминия, Венгрия, СССР

1967	Турция	СССР, ЧССР, Польша
1971	Италия	СССР, ЧССР, Румыния
1975	Югославия	СССР, Польша, Югославия
1977	Финляндия	СССР, Польша, Румыния
1979	Франция	СССР, Польша, Югославия
1981	Болгария	СССР, Польша, Болгария
1983	ГДР	СССР, Польша, Болгария
		Аёллар
1949	Чехословакия	СССР, ЧССР, Польша
1950	Болгария	СССР, Польша, ЧССР
1951	Франция	СССР, Польша, Югославия
1955	Румыния	ЧССР, СССР, Польша
1958	Чехословакия	СССР, ЧССР, Польша
1963	Румыния	СССР, Польша, Румыния
1967	Турция	СССР, Польша, ЧССР
1971	Италия	СССР, ЧССР, Польша
1975	Югославия	СССР, Венгрия, ГДР
1977	Финляндия	СССР, ГДР, Венгрия
1979	Франция	СССР, ГДР, Болгария
1981	Болгария	Болгария, СССР, Венгрия
1983	ГДР	ГДР, СССР, Венгрия

5-жадвал

Жаҳон кубоги		
Йил	Ўтказилган жой	Эркаклар
1965	Польша	СССР, Польша, ЧССР
1969	ГДР	ГДР, Япония, СССР
1973	Чехословакия	СССР, Япония, ЧССР
1977	Япония	СССР, Япония, Куба
1981	Япония	СССР, Куба, Бразилия
1985	Япония	
		Аёллар
1973	Уругвай	СССР, Япония, Ж.Корея
1977	Япония	Япония, Куба, Ж.Корея
1981	Япония	КНР, Япония, СССР
1985	Япония	

3. ЎЗБЕКИСТОНДА ВОЛЕЙБОЛНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Тарихни, аждодларимиз меросини билмай туриб бугунги кунга баҳо бериш, келажак лойиҳасини чизиш ва истиқдол биносини қуришга киришиш боши берк кўчага кириб қолиш эҳтимолидан ҳоли эмас. Шунинг учун ҳар бир соҳани жойларда вужудга келиши ва ривожланиш тарихини ўрганмай шу соҳани бугунги ва эртанги истиқболини таъминлаш мушкул муаммодир. Волейбол жисмоний тарбия ва спорт тизимишинг йирик ва мустақил ирмоқларидан бири ҳисобланиб, Ўзбекистон, унинг вилоятлари ва туманларида ўзига хос ривожланиш тарихига эга. Волейбол Ўзбекистонда энг оммалашган спорт турлари қаторига кирсада, республикамизнинг барча минтақаларида у турли даражада «обрў-эътибор» қозониб келган. Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида водий шаҳар ва қишлоқларида волейбол бошқа вилоят туманларидагига нисбатан самаралироқ «хурмат»га сазовор бўлган. Бундай вазиятнинг сабаблари деярли шу вилоятлар тарихий-ижтимоий негизлари билан боғлиқ деб тахмин қилинсада, лекин масала чукур изланишни, мавзуга оид тарихий маълумотларни илмий асосда урганишни тақазо этади.

Волейбол Ўзбекистонда қачон, қаерда ва қандай вазиятда вужудга келгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Лекин айрим тахминларга қараганда 1921-24 йилларда волейбол ўйини Қўқон, Тошкент ва Фарғонада вужудга кела бошлаган. Ўша даврнинг спорт ветерани К.Лебедевни ҳимоясига биноан 1924-25 йилларда кўпгина ёшларни доира шаклида жойлашиб бир-бирларига узатиш ўйинлари тарқала бошлади. Қизиқ, мазкур даврда волейбол бўйича қабул қилинган халқаро мусобақа қоидалари анча такомиллашган бўлиб, майдонча 9x18 м, тўп билан фақат уч марта ўйнаш мумкинлиги, ўйинчилар таркиби бир жамоада 6 кишидан иборат бўлиши, тўрни баландлиги 243 см (эркаклар учун), ҳисоб 15 очкога етганда ўйиннинг бир бўлими яқунланиши, тўпни ўйинга киритиш – хуллас барча ўйин қоидалари замонавий волейбол ўйини қоидаларига ўхшаш эди. Шунга қарамай ўзбекистонда волейбол қоидалари 1924-25 йилларда ҳали анча содда бўлган. Ўша даврнинг В.И. Превозников деган спорт ихлосмандининг айтишича, 1926 йилда Тошкент шаҳридаги Чернишевский номли мактаб ўқитувчиси Москвадан мусобақа қоидалари, волейбол тури ва

тўпини биринчи бор келтирган. 1927 йилнинг 26 апрелида эса айнан шу мактабнинг волейбол тўгараги жамоаси биринчи расмий мусобақа ташкил этиб, унда у юксак маҳорат кўрсатди ва мусобақа ғолиби бўлди.

Мазкур мусобақа волейболни оммавийлашиши ва шаклланишида катта бурилиш кашф этди. 1927 йилнинг ёз ойларидан бирида волейбол бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги ўтказилиб, унда 9 та волейбол жамоаси иштирок этди. Чернишевский номли мактаб волейбол жамоаси бу мусобақада ҳам ғолибликни қўлдан бермади.

Волейболни кенг оммавийлаша боришига КИМ стадионида ўтказилиб келган мусобақалар катта таъсир кўрсатди.

1927 йилда Тошкентда 6 та волейбол майдончаси мавжуд бўлиб, улар Чернишевский ва КИМ номли мактабларда, Механика техникумида (2 та), «Металлист» спорт тўгараги қошида ва Профинтерн ёзги спорт клубида жойлашган эди.

1928 йилда Тошкентда кузги волейбол мусобақалари бўлиб ўтди унда 10 та эркаклар ва 4 та аёллар жамоалари қатнашган эди. 1929 йилдан бошлаб волейбол бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги мунтазам ўтказила бошлади.

1930 йилларда «Динамо» кўнгилли спорт жамиятида волейбол жамоалари тузилди. Илк бор тузилган «Динамо» волейбол жамоасининг биринчи мураббийси Б.А. Воронцов ўзбекистонда волейболнинг ривожланишига салмоқли хисса қўшди. Шу билан бир қаторда малакали мутахассиларни етишмаслиги, айниқса маҳаллий миллатга мансуб йўриқчи, мураббий ва ташкилотларни саноқли бўлганлиги волейболнинг узоқ вилоят ва қишлоқларда қулоч ёзишига ҳалақит бериб келди.

Мехнаткашларни, айниқса аёлларни аёлларни жисмоний тарбия ва спортга, жумладан, волейболга жалб қилиш мақсадида Тошкент шаҳар Кенгаши Тошкент Мавзе қўмитаси билан биргаликда 1929 йил 25 апрелдан 15 майгача республика миқёсида амалий ҳафталик ташкил қилган эди. Мазкур тадбир сезиларли натижалар берди. Жумладан, жойларда жисмоний тарбия ва спорт, аксарият волейбол билан шуғулланувчилар сони кескин ортиб бориши кўзга ташланди. Кўпгина жойларда волейбол майдончалари ва бошқа спорт иншоотлари барпо этилиши авж олиб борди. Ўқув-тренировка ишларига ва мутахассисларнинг малакасини оширишга, алоҳида аҳамият берилди.

1929 йили 30 сентябрда самарқандда маҳаллий миллатга мансуб бўлган ёшлардан иборат жисмоний тарбия ва спорт бўйича йўриқчи-ташкилотчилар тайёрланди.

1933 йилда II Ўзбекистон Спартакиадаси ўтказилди. Эркаклар ўртасида «Динамо» ва аёллар баҳсида ўзтранс жамоалари I ўринни эгаллади.

1934 йил ўзбек волейболи учун муҳим бурилиш йили бўлиб қолди. Жумладан, ўзбек волейболчилари биринчи бор Москвада СССР биринчилигида иштирок этди. Шу йили волейбол биринчи бор Ўрта Осиё ва Қозогистон Спартакиадаси дастуридан ўрин олди.

1936 йилда Тошкентда «Жисмоний тарбия туркуми» ва «Физкультура УИИ» очилиши волейболнинг янада оммавийлашишида катта аҳамият кашф этди. Бундан ташқари Тошкент молия-иктисод институтида волейбол бўйича машғулот ва мусобақалар ўтказишга мўлжалланган катта спорт зали очилди. Самарқандда шаҳар маъмурияти ва шаҳар физкультура Кенгаши Қарорига биноан 60 кишига мўлжалланган волейбол спорт мактаби очилди.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, ўзбек волейболини ilk бор равнақ топишида А.Сааков, Г.Л.Кешишев, В.Х.Шнуров, А.А.Богаченко, Б.А.Воронцов каби тренерларнинг хизмати алоҳида аҳамиятга эга.

1938 йилга келиб ўзбекистонда кучли жамоаларнинг сони 72 тага етди. Булар САГА «Динамо», ОДО, Қурилиш техникуми, «Локомотка», ЎзТРАНС, СазПИ (Тошкент), Фарғона, Хоразм, Бухоро, Қорақалпоғистон, Самарқанд, Қўқон ва бошқа жамоалардир.

1938 йилнинг декабридан бошлаб биринчи бор Конституция кунига бағишлиланган анъанавий мусобақалар тадбиқ этилди.

1939 йилнинг февраль ойида Тошкентга Москва «Локомотив» жамиятининг кучли волейбол жамоалари ташриф буюришиди. Ўтказилган мусобақаларда Тошкентнинг аёллар терма жамоаси 2:1 ҳисоби билан ғалаба қозонишган бўлса, эркаклар жамоаси мағлуб бўлди.

Волейболнинг янада оммавийлашишига ва волейболчиларнинг маҳоратининг ошишига 1939 йилда ўтказилган СССР биринчилигининг Тошкентда ташкил қилинган Зонал мусобақалари катта асос бўлди. Бу зонал мусобақаларда «Наука» (Тбилиси), «Спартак» (Сталинабад), «Учитель» (Чкалов), «Локомотив» (Баку),

«Учитель» (Куйбишев), «Спартак» (Ашхабад) ва «Строитель» (Тошкент) жамоалари иштирок этишган эди. Тошкентнинг эркаклар жамоаси учинчи, аёллар жамоаси тўртингчи ўринни эгаллади.

Уруш даврида ва урушдан кейинги йилларда волейболнинг ривожланиши (1941-64 йиллар)

Улуғ Ватан уруши йилларида мусобақалар сони анча камайган бўлсада, волейбол аҳолини жисмоний-ҳарбий томондан тайёрлашда ўз вазифасини топди. Ўша давр ҳисобларига қараганда 1941 йилнинг 1 январида эълон қилинган қўрсаткичлар, бўйича республикада волейбол билан шуғулланувчиларнинг сони 14429 кишини ташкил этган.

1941 йилни октябр ойида ўзбекистонни барча вилоят, шаҳар ва туманларида ҳарбий ўқув шоҳобчалари ташкил этилиб, улар фаолиятида жисмоний тайёргарликка алоҳида эътибор берилди. 1943 йил 18 июлда Ўзбекистон спортчилари ва спорт ихлосмандлари у Бутуниттифоқ физкультурачилар кунини нишонлашди. «Пишчевик» стадионида мазкур санага бағишиланган волейбол мусобақалари бўлиб ўтди.

Урушнинг оғир йилларига қарамасдан Ўрта Осиё ва Қозоғистон Спартакиадаси ўтказилиб, ундаги дастури бўйича ташкил этилган волейбол мусобақаларида Ўзбекистоннинг эркаклар жамоаси биринчи ўринни, аёллар жамоалари баҳсида эса Қозоғистон спортчилари юқори натижага эришишди.

1944 йилда ўтказилган навбатдаги Ўрта Осиё ва Қозоғистон Спартакиадасида ўзбек волейболчилари юқори маҳорат намойиш этиб, эркаклар ва аёллар жамоалари биринчи ўринни эгаллашга муяссар бўлишди.

1945 йилдан бошлаб жисмоний тарбия ва спорт ҳамда жамоаларни қайта тиклаш даври кучга кира бошлади.

1946 йили Тошкент, Андижон, Самарқандда шаҳар биринчиликлари, шу йил июн ойида республика биринчилиги ўтказилган бўлса, октябрда Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси Одесса шахрига СССР биринчилигида иштирок этиш учун жўнади. Мазкур

мусобақада эркаклар ва аёллар жамоалари ўз гуруҳларида тўртинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

1947 йил 1 январда берилган ҳисоботларга қўра волейбол билан мунтазам шугулланувчиларнинг сони 9278 кишини ташкил этган. Жумладан колхозчилар – 3086, спорт мактабларида шугулланувчи болалар – 2328 кишига teng бўлган эди. Республика бўйича I разрядли волейболчилар – 6 киши, II разряддилар 344 кишини ўз ичига олган. Бундан кўриниб турибдик, волейболнинг оммавийлик даражаси ҳам, волейболчиларнинг маҳорат савияси ҳам кўнгилдагидек бўлмаган.

Жисмоний тарбия ва Спорт Кўмитасининг 1947 йилги ҳисоботида бу аҳвол ҳамда Сурхондарё, Хоразм, Бухоро вилоятларидағи саноқли спорт иншоотларининг, жумладан, волейбол майдончаларининг ҳечқандай талабларга жавоб бермаслиги қаттиқ танқид остига олинган эди.

Ўзбекистонда волейболнинг оммавийлик доираси кенгайишига ВКП/б/МКнинг 1948 йил 27 декабря қабул қилган «Жисмоний тарбия ва спортни аҳоли орасида ривожлантириш ҳамда спортнинг оммавийлигини ошириш» ҳақидаги Қарори алоҳида куч бағишилади.

1949 йилдан қишлоқ спортчиларига, жумладан, колхозчи-волейболчилар спорт ҳаракатини жадаллаштиришга катта эътибор берилди. Шу йили ўтказилган қишлоқ спортчиларининг VII Спартакиадасида иштирок этган волейбол жамоаларининг умумий сони 29887 кишига етган эди.

Булардан 1326 киши институт талabalari бўлса, қолганлари ишчилар, колхозчилар, хизматчилар ва болаларни ташкил этган эди.

1950 йиллардан бошлаб Ўзбекистон волейболида узлуксиз хужум тактикаси устунилиги кўзга ташлана борди. Ўйинларда турли тактик комбинациялар қўллана бошлади.

1947 йилда мусобақа қоидасига ўйин 5 партия давом этиши ҳақидаги янгилик киритилгандан сўнг, шуғулланувчилардан катта жисмоний тайёргарлик, чидамкорлик ва матонат талаб қилина бошлади. Ўйинлар мазмуни ва моҳияти янада қизиқарли томонга ўзгара борди. Лекин шундай бўлсада, ўзбек волейболчиларининг маҳорати ҳали иттифоқдаги кучли жамоаларнидан анча паст эди.

1950 йилнинг июлида Тошкент Темир йўлчилар боғининг спорт майдончаларида эркаклар ва аёллар жамоалари ўртасида СССР

Кубоги ўйинлари ўтказилди. Ўзбек волейболчилари бу мусобақада мағлубиятта учрадилар. Бу мағлубият асосли эди, чунки рақиб Москванинг «Динамо» жамоаси эди. Ҳисоб 0:3.

1951 йилдан ўсмиirlар ўртасида СССР биринчилиги ўтказила бошланди. Ўзбек ўсмиirlари 14 ўрин билан кифояландилар.

1953 йилда мусобақа жадвалида қишки мусобақалар пайдо бўлди. 1954 йилдан бошлаб волейбол бўйича Иттифоқ биринчилиги «А» ва «В» груптарига бўлинган ҳолда ташкил этила бошлади. Ўзбек волейболчилари «Б» групига киритилди. Шу йили Бутуниттифок мусобақалари ёпиқ спорт майдончаларида ўтказила бошлади.

1954 йили Тошкентда қатор мусобақалар ўтказилди. Шаҳар очиқ биринчилиги, шаҳар Кубоги шулар жумласидандир. Ёпиқ майдончаларда мусобақа ўтказиш Тошкент ва кейинчалик айrim вилоят шаҳарларида тадбик қилина бошланди.

1954 йил 1 январга келиб, волейбол билан шугулланувчилар сони 64942 кишига қўпайди. Лекин республикада, вилоят, туман ва қишлоқларда волейболнинг маҳорат даражаси жуда паст бўлиб, юқори малакали волейболчилар саноқди эди.

1955 йилнинг сентябр ойида Тошкентда илк бор Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ташкил қилиниб, унинг таркибида спорт ўйинлари кафедраси фаолият кўрсата бошлади. 1955 йилдан бошлаб республикамиз волейболчилари I СССР халклари Спартакиадасига тайёргарлик машғулотлари ва мусобақаларини режалаштирилар.

Чунончи, 1955 йил якунида Жисмоний тарбия ва Спорт Қўмитаси таклифига биноан Тошкентта Олма-отанинг эркаклар ва аёллар жамоалари ташриф буюришди. Биринчи ўйинда ўзбек аёллар жамоаси 3:0 ҳисобида ғалаба қозонган бўлса, эркаклар жамоаси 2:3 ҳисобида мағлубиятта учрашди. Иккинчи ўйинда, ҳам аёллар (3:0), ҳам эркаклар (3:2) жамоалари ғалаба нашидасини суришди.

1956 йили (июл-август) Москванинг Лужники спорт мажмуасида I СССР халклари Спартакиадаси очилди. Спартакиаданинг волейбол мусобақаларида республикамиз эркаклар жамоаси 14 ва аёллар жамоаси 13 ўринлар билан кифояландилар.

Ўзбек волейболчилари мазкур Спартакиадада яхши натижаларга эриша олмаганларидан сўнг 1957 йилдан бошлаб Иттифоқдош

республикалар волейбол жамоалари билан қатор ўртоқлик учрашувлари уюштирилди. Жумладан, ўзбек волейболчилари Боку, Тбилиси ва Ереван жамоалари билан куч синашиб барча ўйинларда мағлубиятга учрашди.

1958 йилда республикамида мактаблараро мусобакалар авж олди. Айниқса, бу даврда Олий ўқув юртлари жамоалари ўртасидаги мусобақалар қизғин тус ола бошлади. САГУ ва «Буревестник» талабалари кўнгилли спорт жамияти жамоалари энг кучлилар қаторидан жой олишди. Мактаб ўқувчилари орасида Тошкентнинг 64-мактаб ўсмирларжамоаси ва 104-мактабнинг қизлар жамоаси мазмунли волейбол намойиш қилдилар.

1959 йилда ўзбек волейболчилари II СССР халклари Спартакиадасида иштирок этиб, эркаклар 14 ўрин, аёллар жамоаси эса 11 ўринни эгаллади.

Шу йили, яъни 1959 йилда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ўзининг биринчи битиравчиларини қутлади. Улар орасида волейбол ихтисослиги бўйича 11 киши олий маълумотга сазовор бўлди (1 та ўзбек аёли ва 2 та ўзбек йигити волейбол бўйича институтни тугатишган эди).

1960 йилда СКИФ волейболчилари (эркаклар ва аёллар жамоаси) ёзги республика талабалар ўйинларида энг юқори натижаларга эришишди. Шу йили СКИФ жамоалари Харков шаҳрида ўtkазилган Бутуниттифокёзи талабалар ўйинларида қатнашиб, эркаклар жамоаси 13 ўринни, аёллар охирги 18 ўринни олишди.

1961 йил октябр ойида Тошкентда I Ўзбекистон аёллар Спартакиадаси очилди. Бу тадбир аёллар волейболининг оммавийлашишида катта туртки бўлди.

1962 йилда Тошкентда Москванинг «Буревестник» аёллар жамоаси ва СКИФ ва Ўзбекистон терма жамоалари билан учрашув ўтказди. Бунда вакилларимиз ғалабани бой беришди.

1963 йили СССР халқлари III Спартакиадасида республикамиз эркаклар жамоаси 9, аёллар эса 15 ўринни эгаллади. Айнан шу йили ўзбек волейболчилари ренер И.Л.Киблицкий раҳбарлигида «Динамо» Марказий Уюшмаси биринчилиги ғолиби бўлишди ва Ўзбекистон волейбол тарихида илк бор 6 та СССР спорт устаси разряди даражасига

эга бўлган спортчиларига эга бўлди. Буларга – Г.Худяков, Г.Багиров, Ю.Симонов, В.Кучеров, В.Ананич ва Р.Хусаиновлардир.

Аёллар ўртасида эса Л.Беличко, Е.Склярова, М.Катасонова, Л.Ишмаева, Л.Рахманқурова, И.Назарова ва бошқалар биринчи бор спортустаси деган номга сазовор бўлдилар.

1964-65 йиллардан бошлаб ўзбек волейболи тобора шаклана борди. Юқори малакали волейболчилар доираси кенгая борди. Булар қаторига Олимпиада чемпионлари В.Дуюнова, Л.Павлова, ёшлар ўртасида оврупа чемпионлари Л.Ишмаева, Л.Сулейкина, О.Белова, Л.Лепилина, О.Дубяга, С.Мячин кабилар киради.

Ўзбек волейболи тарихида республикамиз терма жамоаларининг халкаро мусобакаларда иштирок этиб келиши алоҳида ахамиятта эгадир. Шуни таъкидлаш ўринлики, ўзбек волейболчилари ўзининг илк бор халкаро учрашувини 1935 йил 10 октябр ойида Тошкентда Афғонистон терма жамоаси билан утказган. Мазкур учрашув собық иттифоқ миқёсида биринчи халкаро мусобака бўлиб урин олган. Бу даврда хали ягона халкаро мусобака қоидалари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилган. Шунинг учун Афғонистон волейболчилари билан бўлган учрашув шу давлат қоидаларига биноан ўтди. Чунончи, майдончада 9 киши ўз жойларини алмаштирмасдан ҳаракат қилишди. Ҳисоб 22 гача давом этди. З партиядан иборат булган ўйин 2:0 ҳисобида бизнинг волейболчиларимиз фойдасига ҳал бўлди.

1961 йили афғон волейболчилари Тошкентга иккинчи бор ташриф буоришли. Биринчи куни меҳмонлар 0:3 ҳисобида «Меҳнат резервлари», иккинчи куни эса 2:3 ҳисобида «ОДО» жамоаларига учрашувни бой беришли.

Шу йили Узбекистонга Монголиянинг эркаклар ва аёллар жамоалари келишди. Меҳмонлар республикамизнинг «ОДО», «СКИФ» ва «Буравестник» жамоалари билан куч синашди ва барча учрашувларда мағлуб бўлишли.

1961 йилнинг декабрида Ўзбекистон волейболчилари Индонезияга ўртоқлик учрашувлари ўтказиш учун жўнашди. Улар Суратайя шаҳрида қатор учрашувларда иштирок этиб битта ўйинда мағлуб бўлишган бўлса, қолганларида мезбонлар жамоасидан устун келишли. 1962 йил июн ойида Ўзбекистоннинг эркаклар ва аёллар жамоалари

Монголияга жүнашди ва барча учрашувларда ғолибликни қўлга киритиши.

1964 йил август ойида Ўзбекистонга жавоб сафари билан Индонезиянинг эркаклар ва аёллар жамоалари ташриф буюриши. Мехмонларнинг эркаклар жамоаси Ўзбекистоннинг «Динамо» (Тошкент) жамоаси билан ўйнаб, учрашувни 0:3 ҳисобида бой беришган бўлса, Индонезиянинг аёллар жамоаси Тошкентнинг «Спартак» жамоаси қизларига 2:3 ҳисобида ютқазиши.

Мазкур ҳалқаро ўйинларда эркаклар волейбол жамоасидан Г.Худяков, Г.Багиров, Р.Хусаинов, Ю.Симонов, В.Кучеров, В.Ананич ва бошқаларнинг, аёллар жамоасидан эса М.Катасонова, Е.Склярова, Л.Рахманқулова, Ю.Холиқназарова, Л.Корчагина ва бошқаларнинг алоҳида маҳорат намойиш этганликларини таъкидлаш лозим.

1970-72 йилларга келиб ўзбек волейболчилари Бангладеш, Ҳиндистон ва бошқа хорижий давлатларда ҳалқаро ўртоқлик учрашувлари ўтказиб юксак маҳорат кўrsatiши.

1970 йилдан то 1991 йилларгача ўзбек волейболчилари талайгина ҳалқаро расмий ва ўртоқлик мусобақаларида иштирок этиб келишган. Буларга мисол қилиб Л.Ишмаева, В.Галушко (Дуюнова), Л.Павлова (Лулина), О.Белова, Лепилина, О.Дубяга, С.Мячин ва бошқаларни келтириш мумкин. Аммо бу мусобақаларда ўзбекистонлик спортчилар сабиқ иттифоқнинг турли жамоалари шарафини ҳимоя қилишга жалб қилинган эдилар. Шуни ҳам қўшимча қилиш мумкинки, Республикализнинг эркаклар ва аёллар жамоалари 1934 йилдан деярли 1988 йилларгача СССР Чемпионатида ва 1956 йилдан то 1986 йилгача Иттифоқ ҳалқлари Спартакиадасида иштирок этиб бирон марта юқори поғоналардан жой олмаган. Эркаклар бир мартадан 6 ўрин (1967) ва 8 ўрин (1975)ларни, аёллар эса 6 ўрин (1971) ва 5 ўрин (1975)ларни эгаллашган. Ватанимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши ўзбек волейболининг ҳалқаро миқёсдаги ўрнига ҳам ижобий таъсир қўrsatди. Чунончи, 1993 йил 24-31 июлда Шанхай (ХХР) шаҳрида ўтказилган VII Осиё чемпионатида мустақил Ўзбекистоннинг аёллар миллий терма жамоаси волейбол тарихида биринчи бор иштирок этиб, фахрли 6 ўринни қўлга киритди. Мазкур чемпионатта қадар ушбу мусобақаларга тайёргарлик мақсадида Америка Кўшма Штатларининг бир неча шаҳарларида бўлиб, турли университетлар

волейбол жамоалари билан ўртоқлик учрашувларини ўтказишди ва ўйинларда мувафақият қозонишган эди.

1994 йилда Таиландда ўтказилган «Принцесса Кубоги» мусобақаларида Л.Айрапетьянц раҳбарлигида ташкил этилган «СКИФ-Интеркросс» клуби қошида таркиб топган аёллар волейбол жамоаси иштирок этиб, мақтовга лойиқ ўйин намойиш этишиди.

1997 йил 21-28 сентябрда Манила шаҳрида ўтказилган IX Осиё чемпионатида аёллар терма жамоаси 6 ўрин, 1998 йилда ўтказилган Қозоғистон Республикаси Президенти Кубоги халқаро турнирда 3 ўрин, шу йили Таиландда ўтказилган IX «Принцесса Кубоги»да 6 ўрин, 1998 йил 24-28 майда ўтказилган X Осиё чемпионатида 3 ўрин ва 1999 йил Тошкентда ўтказилган «Кубок Микаса» халқаро турнирида 1 ўринларни олишга сазовор бўлган.

Ҳозирги кунда Ватанимизнинг эркаклар ва аёллар миллий терма жамоалари жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақаларига тайёргарлик кўрмоқдалар.

Эътиборга лойиқ жойи шундаки, истиқлолдан сўнг ўзбек волейболининг тараққиёти республикамиизда янгича йўналишда давом этиши қўзга ташланаётир. Жумладан, 1992 йилдан бошлиб мунтазам ўтказилаётган Ўзбекистон миллий Чемпионати волейболнинг янада ривожланишига ва равнақ топишига катта таъсир кўрсатмоқда.

Айниқса, сўнгти йилларда тадбиқ этилган ўқув муассасалари ўртасида ўтказилаётган 3 босқичли мусобақалар «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» волейболни ўқувчи-талаба ёшлар ўртасида кенг ривож топишига муҳим туртки бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш ўринлики, сўнгти йилларда республика миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда қасбкорлик (профессионаллик) асосида иштирок этувчи жамоалар доираси кенгайиб бормоқда. Булар қаторига «Кинап» (Самарқанд ш.), «Виктория» (Навоий ш.), МХСК (Чирчиқ ш.), «СКИФ» (Тошкент ш., ЎзДЖТИ) ва ҳоказо жамоалар киради. Мазкур волейбол жамоаларининг аъзолари бўлмиш ўйинчилар, спорт усталари А.Сович, Ш.Муслимов, И.Власоа, А.Поповкин, С.Журавлев, И.Тамбиев (ҳаммаси «Виктория» жамоасидан), С.Баннов, А.Рибалкин, А.Серебрянников, С.Мячин (Тошкент-Самарқанд жамоасидан), А.Колесников, К.Пак, А.Жирнов, В.Петров, М.Маматюқ, Ф.Баватов, Д.Султанов, С.Сиддиқов, («СКИФ»),

А.Қосимов, Р.Князев, И.Эрмиш («МХСК»), В.Домниди (Қўқон) барча мусобақаларда ўзларининг юқори савиядаги маҳоратларини намойиш этмоқдалар. Аёллар жамоаларидан «СКИФ» (Тошкент) ўйинчилари Е.Лебедянская, П.Кибардина, С.Ашуркова, Е.Шпачук, М. Мартиненко, С.Григорьевна, Н.Хоменко, Н.Ходжаева ва бошқалар Ўзбекистон спорт устаси деган номга сазовор бўлиши.

Бу борада тренер-мутахассис ва ташкилотчиларни ҳам хизмати ҳурматга сазовордир. Жумладан, А.Ким (Самарқанд), Т.Абрамова (Тошкент), Г.Пономарев (Токент), М.Ёдгоров (Навоий), А.Аскаров (Қўқон) ва бошқаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Мусобақа ўйинларининг мазмунли, қизиқарли ва шу билан бир қаторда талаб доирасида ўтказишида Ўзбекистон волейбол Федерациисининг бош котиби, халқаро тоифадаги ҳакам Л.Айрапетъянц, миллий ва республика тоифаларидағи ҳакамлар В.Шнурофф, В.Бардин, А.Скворцов, Н.Япаров, В.Баусов ва шу каби кўпгина мутахассисларнинг хизмати катта.

Ўзбекистон волейболини янгилашада тараққий эттиришда уни вилоятларда «ҳаракатга» келтириш, хорижий давлатларни волейбол жамоалари билан алоқа боғлашда, улар билан расмий мусобакаларни ташкил килишида Ўзбекистон волейбол Федерациисининг президенти Э.М.Фаниев ҳамда федерациянинг барча аъзолари ибратли фаолият кўрсатмоқдалар.

Юқорида акс эттирилган волейболга оид тарихий маълумотларни бир тартибда изоҳловчи ўсмирлар, ёшлар, эркаклар ва аёллар ўртасида ўюштирилган турли миқёсдаги мусобақалар натижалари қуйидаги 1, 2, 3-жадвалларда берилган.

Истиқболдан сўнг ўтказилган Ўзбекистон миллий чемпионати натижалари 4-жадвалда келтирилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон волейболига оиб тарихий лавхалар мазкур ўйинни қандай йўналишларда шакллантиришга, унинг оммавийлигини янада оширишга ҳамда истиқболини таъминлашига катта ёрдам беради.

6-жадвал

**ЎЗБЕКИСТОНДА ВОЛЕЙБОЛНИНГ ТАРИХИЙ ЎРНИ
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ВОЛЕЙБОЛ БҮЙИЧА ЎСМИРЛАР ЖАМОАЛАРИ ШАҲАР, РЕСПУБЛИКА ВА
ИТТИФОҚ МУСОБАҚАЛАРИДА ЭРИШГАН НАТИЖАЛАРИ (1927-1963ЙЙ)**

Сана	Мусобақа ўтказилган жой	Мусобақаларнинг номи	Эришилган натижа	Эркаклар жамоаси	Эришилган натижа	Аёллар жамоаси
1	2	3	4	5	6	7
1927 й июнь	Тошкент	Тошкент шаҳри мактаблараро биринчи-лиги	I	Чернишевский номли мактаб	I	Чернишевский номли мактаб-ни 7-синф ўқувчилари
1927 й ноябрь	Тошкент	Тошкент шаҳри мактаблараро биринчи-лиги	I II III	Чернишевский номли мактаб Коминтерн жамоаси 1 май жамоаси	II III	Чернишевский номли мактаб Қизил Октябр жамоаси 1 май жамоаси
1936 й	Тошкент	6 вилоятнинг ялпи ўзбек болалар Спарта-киадаси	I	Тошкент	I	Тошкент
1937 й октябр	Тошкент	Мактаблар ўртасида Тошкент шаҳар биринчилиги	I	68 – мактаб	I	94 – мактаб
1951 й июнь	Волгоград	Ўсмир ва қизлар ўртасида биринчилиги	XIV			
1952 й июнь		Ўсмирлар ўртасида СССР биринчилиги	XII		IX	

1	2	3	4	5	6	7
1953 й	Тошкент	Ёшлар ўртасида Ўзбекистон биринчилigi	I II III	Тошкент Андижон Самарқанд	I II III	Тошкент Самарқанд Бухоро
1956 й июль	Тошкент	IX ЎзССР ўқувчилар Спартакиадаси	I	Тошкент	I	Тошкент
1958 й июль	Тошкент	XI ЎзССР ўқувчилар Спартакиадаси	I II III	Тошкент Тошкент вилояти Наманган вилояти	I II III	Тошкент Самарқанд в. Наманган в.
1958 й	Тбилиси	V Бутуниттифоқ ўқувчилар Спартакиадаси	XIX		XIX	
1959 й	Москва	VI Бутуниттифоқ ўқувчилар Спартакиадаси	XVIII		XIX	
1960 й март	Тошкент	III Ўзбекистон ёшлар Спартакиадаси	I II	«Мехнат резервлари» «Динамо» «Буравестник»	I II III	«Мехнат» «Локомотив» «Буравестник»
1961 й	Боку	Бутуниттифоқ ўқувчилар Спартакиадаси	XIII		XI	
1962 й март	Андижон Бухоро	Ўсмиirlар ва қизлар ўртасида ЎзССР биринчилigi	I II III	Тошкент – 1 Тошкент – 2 Қўқон	I II III	Тошкент – 1 Тошкент – 2 Фарғона
1963 й январ	Олма-ота	Ўрта Осиё ва Қозогистон қишиқи мусобақалари	IV		II	
1963 й май	Волгоград	Бутуниттифоқ ўқувчилар Спартакиадаси	XV		IX	

РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАЛАРИ (1927-1964 й)

Сана	Мусобақа үтказилган жой	Мусобақаларнинг номи	Ўрин	Эркаклар жамоаси	Ўрин	Аёллар жамоаси
1	2	3	4	5	6	7
1927	Тошкент	I Бутунўзбек Спартаки- адаси	1 2	Тошкент Фарғона	1 2	Рабпросовци- лар Металлистчи- лар
1933	Тошкент	II Бутунўзбек Спартаки- адаси	1	ДИТР (Тошкент)	1	Ўзтранс
1935	Тошкент	I Ўзбекистон техникум ва институтлари Спар- такиадаси	1	Индустрисал институти		
1936	Тошкент	Республика биринчилиги	1 2 3	Тошкент Фарғона Қўқон	1 2	Тошкент Кўқон
1937	Тошкент	Республика биринчилиги	1 2	Тошкент Қўқон	1 2 3	Тошкент Самарқанд вил. Фарғона вил.
1938	Тошкент	V республика колхоз- лараро Спартакиадаси	1 2 3	Тошкент Фарғона хоразм	1	Қорақалпоғис- тон
1939	Тошкент	Республика биринчилиги	1	«Строитель» (Тошкент)	1	«Мотор» Тошкент

1	2	3	4	5	6	7
1946	Тошкент	Республика биринчилigi	1	«Локомотив»	1	Тошкент
1947	Фарғона	Республика биринчилigi II гурӯҳ	1	Фарғона вилояти	1	Фарғона вилояти
1947	Самарқанд	Республика биринчилigi	1	«Локомотив»	1	Тошкент
1949	Андижон	Республика биринчилigi	1	ОДО (Тошкент)	1	«Локомотив»
1950	Тошкент	Республика биринчилigi	1 2 3	«Локомотив» (Тошкент) ОДО (Тошкент) «Спартак» (Фарғона)	1 2 3	«Локомотив» Тошкент «Наука» Тошкент Фарғона вилояти
1953	Наманган	Республика биринчилigi	1 2 3	«Наука» (Тошкент) ОДО (Тошкент) «Металлист» (Бекобод)	1 2 3	Тошкент «Локомотив» «Медик» (Бухоро)
1953	Тошкент	I қишики республика биринчилigi	1 2	Тошкент Тошкент вилояти	1 2	Тошкент Бухоро вилояти
1961 феврал	Тошкент	Кучли аёллар жамоалари бўйича республика биринчилigi			1 2 3	Тошкент-1 Тошкент-2 Самарқанд

1	2	3	4	5	6	7
1962 феврал	Бухоро	Эркаклар ўртасида республика биринчилigi	1 2 3	I гурӯҳ СКА (Тошкент) «Буравестник» (ҚҚАССР) «Буравестник» (Бухоро) II гурӯҳ «Спартак» (Сам.) «Спартак» (Тошкент)		
1962 феврал	Нукус	Аёллар ўртасида республика биринчилigi			1 2 3	«Буравестник» Андижон ТошМИ СКИФ
1964 март	Қўқон	Кучли аёллар жамоалари ўртасида республика мусобақалари			1 2 3	ДСШ Тошкент «Спартак» Тошкент ДСШ Қўқон
1964 март	Бекобод	Кучли эркаклар жамоалари ўртасида республика мусобақалари	1 2 3	СКА (Тошкент) СКИФ УМЗ (Бекобод)		

**ЎЗБЕК ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ МУСОБАҚАЛАРИДА
ИШТИРОК ЭТИШИ (1934-64 йй)**

Йил	Мусобақа ўтказилган шаҳар	Мусобақалар	Ўрин	
			Эркаклар	Аёллар
1	2	3	4	5
1934	Москва	II СССР биринчилиги (9 жамоа)	8	9
1935	Боку	III СССР биринчилиги «Б» гурухи	6	4
1936	Ростов Дон	IV СССР биринчилиги 2 разряд бўйича	5	5
1940	Киев	VII СССР биринчилиги «Б» гурухи (6 жамоа)	6	5
1946	Одесса	IX СССР биринчилиги 2-гурух (20 жамоа)	4	3
1947	Грозный	X СССР биринчилиги финалда 12 жамоа	1	10
1948	Харков	XI СССР биринчилиги (20 жамоа)	12	9
1949	Ленинград	XII СССР биринчилиги (24 жамоа)	15	12
1950	Ленинград	XIII СССР биринчилиги	19	16
1951	Тбилиси	XIV СССР биринчилиги	12	11
1952	Львов	XV СССР биринчилиги	12	11
1952	Минск	СССР Кубоги мусобақалари (21 жамоа)	19	18
1953	Одесса	XVI СССР биринчилиги	14	13
1953	Ашхабод	СССР Кубоги, Ашхабод минтақаси	2	2
1954	Рига	I Бутуниттифок қиши мусобақалари	9	11
1955	Куйбишев	XVIII СССР биринчилиги «Б» гурухи	15	13
1956	Москва	I СССР Халқлари Спартакиадаси	13	13

1	2	3	4	5
1957	Днепропетровск	СССР биринчилиги «Б» лигаси	15	11
1958	Таллин	СССР биринчилиги «Б» лигаси	14	12
1959	Москва	II СССР халқлари Спартакиадасы	14	11
1960	Харков	II Бутуниттифоқ ёзги талабалар үйинлари	13	18
1963	Москва	III СССР халқлари Спартакиадасы	9	15
1964	Рига	IV Бутуниттифоқ ёзги талабалар үйинлари	5	8

Үрта Осиё республикалари ва Қозғистон Спартакиадасы

1934	Тошкент	I Үрта Осиё ва Қозғистон Спартакиадасы	1	1
1943	Тошкент	II -----//-----	1	2
1944	Тошкент	III -----//-----	1	1
1948	Тошкент	IV -----//-----	1	1
1950	Олмаота	V -----//-----	2	1
1951	Тошкент	VI -----//-----	2	1
1952	Ашхабод	VII -----//-----	1	1
1954	Тошкент	VIII -----//-----	1	1

9-жадвал

**ИСТИҚЛОЛДАН СҮНГ ВОЛЕЙБОЛ БҮЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
ЧЕМПИОНАТИНИНГ НАТИЖАЛАРИ**

Ўринлар	1993 й	1994 й	1995 й	1996 й	1997 й
I	Автомобилчи Қўқон	Эркаклар Автомобилчи Қўқон	МХСК Чирчиқ	Каноп Самарқанд	Каноп Самарқанд
II	СКИФ Тошкент	Каноп Самарқанд	СКИФ Тошкент	Виктория Навоий	Автомобилчи Қўқон
III	Каноп Самарқанд	СКИФ Тошкент	Автомобилчи Қўқон	МХСК Чирчиқ	МХСК Чирчиқ
I	СКИФ Тошкент	Аёллар Автомобилчи Тошкент	-	СКИФ Тошкент	СКИФ Тошкент
II	Андижон	РВШСМ Тошкент	-	Навоий	-
III	Фарғона	Андижон	-	Фарғона	-

4. ЎЗБЕКИСТОНДА ВОЛЕЙБОЛ ТАРАҚҚИЁТИНИ БОШҚАРИШ

Ўзбекистонда волейбол тараққиётини бошқарувчи давлат ташкилотлари, уларнинг таркиби ва шоҳобчалари

Республикамизда волейбол тараққиётини бошқариш функциясини жисмоний тарбия ва спорт бўйича давлат ташкилотлари таркибига кирувчи туман, шаҳар, вилоят шаҳобчалари бажаради.

Спортчи резервларни ва юкори малакали спортчиларни етиширишни бошқариш масъулияти Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт Кўмитаси қарамоғидаги спорт ўйинлари шўъбасига юкланди. Бундай Кўмиталар республикамизнинг ҳар бир туман, шаҳар ва вилоятларида мавжуд бўлиб, улар жойларда волейбол тараққиётини таъминлашга жавобгардирлар.

Волейболни тараққий эттиришда, уни янада оммавийлаштиришда республика, вилоят, шаҳар ва туман касаба юшмаларининг «Кўнгилли жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари» катта иш олиб боради.

Волейбол ўқув машғулоти сифатида Олий ва ўрта маҳсус билим юртлари ҳамда умумий таълим мактабларининг ўқув дастурларидан жой олган.

Республикамизнинг миллий терма жамоалари мураббийлари нафақат юкори малакали волейболчиларни тайёрлаш, балки волейбол бўйича истеъододли ўринбосарларни етишириш тадбирларига раҳбарлик қилиши, уларга назарий ва услубий ёрдам кўрсатиб туриши зарур.

**Спорт клубларида, БўСМ, олимпия ўринбосарларини тайёрлаш.
БўСМларда, умумий таълим мактабларида, техникум ва олий ўқув юртларида волейболни ривожлантириш вазифалари ва унинг аҳамияти**

Республикамизни барча ўқув юртларида волейбол энг оммавий спорт турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Кишлоқларда, хўжалик жамоаларида, маҳалла марказларида, мактаб ва ўқув юртларида

фаолият кўрсатаётган кўпдан-кўп волейбол тўгаракларида мазкур спорт тури билан шуғуланаётганинг сони саноқсиздир.

Волейбол ўқув машғулоти сифатида барча ўқув юртларининг ўқув дастуридан жой олган. Волейболга бунчалик эътибор кучлилигининг сабаби унинг соддалиги ва жисмоний тарбия тизимда арzon, ҳаммабоп восита эканлигидир.

Умумий таълим мактабларида волейбол V-XI синфлар учун ўқув дастурига дарс сифатида киритилган. Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, волейболчилар маҳоратини ошириш ва малакали волейболчиларни етиштириш мактаб ўқувчиларини мазкур ўйин сирларига мақсадга мувофиқ режага асосан оммавий ўргатиш билан боғлиқдир. Мактаб ўқувчилари ўз маҳоратларини маҳсус БўСМларда, олимпия ўринbosарлари тайёрлаш БўСМларида янада «чуқурроқ» ва кенгроқ такомиллаштиришлари мумкин.

БўСМ ва шунга ўхшаш маҳсус спорт мактаблари ўз фаолиятларини асосий дастур ва режалаштирув хужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт ҳақидаги Конунга» асосан амалга оширадилар.

Маҳаллаларда, тураг жойларда, ётоқхона, дам олиш уйлари, оромгоҳлари, дала шийпонлари ва соғломлаштириш марказларида волейбол тўгаракларини ташкил қилиш ва мазкур спорт билан мунтазам шугулланиш нафакат барча ёшдаги аҳолини жисмонан такомиллаштиришга ёрдам беради, балки уларни саломатлигини мустахкамлайди, болаларни ножӯя ишларга аралашувларидан қайтаради.

Олий ўқув юртларида, касб-техника билим масканлари ва ҳарбий қисмларда ҳам волейбол ниҳоятда катта ахамиятга эга. Олий ўқув юртларида волейбол биринчиidan ўқув дастурига биноан машғулот сифатида жорий этилган бўлса, иккинчиidan шу ўқув юртларининг спорт клубларида фаолият кўрсатаётган волейбол тўгаракларида машғулотлар олиб борилади.

Мазкур ўқув масканларида волейболни кенг оммавийлашганини биргина «Студентлар спорти ҳафталиги» мусобақаларидан ҳам билса бўлади.

Ўзбекистон волейбол Федерацииси, унинг таркиби ва иш функциялари

Мамлакатимизда волейболни оммавийлаштириш, ривожлантириш, уни равнақ топтиришда Ўзбекистон волейбол Федерацииси раҳбарлик ва бошқарувчи ролни ўйнайди. Республикаизнинг туман, вилоят ва шаҳарларида эса бу масъулият жойлардаги федерациялар орқали амалга оширилади.

Федерациянинг олий раҳбар органи республика анжуманидир. У мамлакатда волейболни ривожлантиришнинг асосий масалаларини ҳал қиласди. Федерация анжуман туфайли сайланган ўз президиумидан (раёсатидан) иборат.

Раёсат ўз навбатида белгиланган ижроий қумитасига эга бўлиши керак. Қўмитада Федерациянинг президенти раҳбарлигида директорат ва доимий ҳайъатлар тузилади. Бу ҳайъатлар қуидаги йўналишлар бўйича фаолият кўрсатадилар:

- молиявий-иктисодий;
- юридик-хукуқий;
- моддий-техника таъминлови;
- оммавий-ташкилий;
- тренерлар кенгаши;
- илмий-услубий;
- спорт-техника;
- болалар ва ўсмирлар спорти;
- халқаро спорт алоқалари;
- республика спорт фахрийлари кенгаши.

Кўриниб турибдики, мазкур йўналишларнинг номларининг ўзи ҳайъатнинг вазифаси, бажарадиган тадбирлари ва бутун фаолиятлари мазмунини белгилаб бериб турибди.

Жаҳонда волейболни ривожлантириш жараёнини халқаро ташкилотлар даражасида бошқариш

Волейбол тараққиётини бошқариш халқаро волейбол Федерацииси (ХВФ - ФИВБ) ва зонал конференциялар орқали ижро этилади.

Оврупа, Осиё, Африка, Шимолий Америка, Марказий Америка ва Кариб денгизи, Жанубий Америка минтақаларининг зонал конференциялари мавжуд.

ФИВБнинг алоқа ва иш фаолиятлари расмий равишда инглиз, фаранг, рус ва испан тилларида амалга оширилади.

ФИВБ ўзининг уставига эга. У вақти-вақти билан волейбол соҳасида рўй бераётган асосий воқеалар билан ёритилган расмий БЮЛЛЕТЕНЬ чиқариб (нашр қилиб) турди, турли услубий кўрсатмалар, ҳужжатлар, низомлар, тавсияномалар чоп этилади.

ФИВБнинг асосий мақсади – жаҳоннинг турли минтақаларида волейболни ривожлантириш, барча давлатларнинг спортчилари ва расмий шахслари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, миллий волейбол федерацияларини бирлаштириш, янги миллий волейбол федерациялари тузиш, расмий мусобақалар ўтказиш, ўйин қоидаларини ва тактикасини шакллантиришдан иборат.

ФИВБнинг олий органи – Конгрессодир. У икки йилда бир марта ўтказилади.

ФИВБнинг раҳбар органи – Маъмурий Кенгаш бўлиб, ўз президенти, бош котиб ва уни ёрдамчилари, 4 та вице президенти, 12 та Кенгаш аъзолари ва зонал конфедерацияларнинг президентларидан ташкил топади.

Маъмурий кенгашнинг қарорларини Ижроий Қўмита ҳаётга тадбиқ этади. Ижроий Қўмита ўз президентидан, икки вице президентидан, бош котиби ва уни икки ёрдамчисидан иборат. ФИВБда техник органлар ҳам мавжуд бўлиб, улар 5 та доимий ҳайъатлардан ташкил топади.

1. ТАШКИЛМИЙ СПОРТ ҲАЙЪАТИ – мусобақаларни ташкил қилиш ва уларни таҳлил этиш, маълумотларни йифиши ва волейбол бўйича халқаро спорт календарини режалаштириш;
2. ТРЕНЕРЛАР БЎЙИЧА ҲАЙЪАТ - волейбол эндиғина ривожланаётган минтақа ва давлатларда шу спорт турини тарақкий эттириш тадбирларини ташкил қилиш, тренерлар билан семинарлар уюштириш, уларга маслаҳатлар бериш, волейбол бўйича «қўли калта» давлатларга ёрдам сифатида тренерларни ҳар хил муддатларга ишга жўнатиши, услубий

кўрсатма ва тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ишлари билан шуғулланади.

3. АРБИТРАЖ ҲАЙЪАТИ – мусобақалар ҳакамларини тайинлаш, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш, таҳлил этиш ва баҳолаш, халкаро семинарларни уюштириш, ҳакамлик қилиш бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш ишларини бажаради.

4. ЎЙИН ҚОИДАЛАРИ БЎЙИЧА ҲАЙЪАТ – Маъмурий Кенгаш ва Конгресс муҳокамасига ўйин қоидалари бўйичакиритилган ўзгаришларга оид тавсияларни тақдим этиш, арбитраж ҳайъати билан биргалиқда ҳакамлик қилиш қоидасини ишлаб чиқиш ва ўйин қоидаларига ягона фикрда ёндошишни таъминлаш каби тадбирларни амалга оширади.

5. ТИББИЙ ҲАЙЪАТ – мусобақалар жараёнида тиббий хизмат кўрсатиш, ўқув-тренировка машрутларини тиббий назорат қилиш, организм ва иш қобилиятини тиклашга оид тадбир воситалар ҳамда шикастланишларни олдини олиш каби масалалар бўйича таклиф, тавсия ва кўрсатмалартайёрлаш ишларини ижро этади.

ФИВБ ўз таркибига 160 та давлат киритган энг кўп сонли федерация ўзига маълум молиявий масъулиятни олиши шарт, аъзо бўлиб киришда ва ҳар йили бадал тўлаш, расмий биринчиликлар ва халқаро учрашувлар ўтказиш учун пул маблаги ажратиш, ФИВБ тасарруфида ўтказиладиган расмий мусобакаларда иштирок этиш учун бадал тўлаш ва ҳоказо.

ФИВБнинг фаолиятида собиқ Иттифоқ Федерацияси жуда катта роль ўйнаган. Бу масала волейбол бўйича машҳур мутахассис Владимир Иванович Савин самарали хизмати ва салмоқли хиссалари билан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришганидан сўнг мамлакатимизнинг миллий волейбол Федерацияси ҳаётида ҳам унтилимас ўзгаришлар юз беради. 1992 йил Ўзбекистон миллий волейбол Федерацияси Осиё зонал конфедерациясига аъзо бўлиб қабул қилинди, 1993 йилнинг июль ойида эса волейбол бўйича аёллар терма жамоаси биринчи бор иштирок этиб, фахрли 6-ўринга сазовор бўлди.

5. МУСОБАҚА ҚОИДАЛАРИ, УЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ЗАМОНАВИЙ ЎЙИН ҚОИДАЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОХИ

Волейбол ўйинининг дастлабки расмий уйин қоидалари 1997 йилда Америкалик доктор А.Холстед раҳбарлигида ишлаб чиқилган. Мазкур қоидаларни айрим бандлари қуидагилардан иборат бўлган:

- майдончани ўлчами $7,6 \times 16,1$ м;
- тўрни баландлиги 198 см;
- тўпни оғирлиги 340 г;
- ўйинчилар таркиби чегараланмаган;
- тўп ўйинга майдончани ўнг ташки қисмида жойлашган 1×1 метрли тўртбурчак шаклдаги жойдан бир оёқда туриб киритилган ва ҳоказо.

Волейболнинг борган сари оммавийлаша бориши ва иштирокчиларнинг ўйин маҳорати шаклана бориши билан бир қаторда мусобақа қоидалари ҳам ўзгариб, такомиллашиб борган.

1900 йил – ҳисоб 21 очкогача, тўрни баландлиги 213 см;

1912 йил – майдонча $10,6 \times 18,2$ м, тўр – 228 см;

1917 йил – ҳисоб – 15 очко, тўр 243 см;

1918 йил – ўйинчилар сони бир жамоада – 6 та;

1922 йил – тўпни фақат 3 марта ўйнаш, майдонча $9,1 \times 18,2$ м;

1925 йил – тўп 66-69 см, оғирлиги 275-285 г, майдонча 9×18 м;

1934 йил – тўр аёллар учун 224 см.

Замонавий волейбол мусобақасининг қоидалари ҳақида қисқача маълумотлар:

- майдонча 9×18 м, чизиклар кенглиги 5 см;
- ўйин майдонини чегараловчи антенналарнинг баландлиги 180 см;
- тўрнинг баландлиги эркаклар учун 243 см, аёллар учун 224 см;
- тўпни айлана узунлиги 66 ± 1 см, диаметри $21 \pm 0,3$ см, оғирлиги 270 ± 10 г;
- ҳар партияда 6 ўйинчи алмашинувига руҳсат берилади. Асосий ўйинчи 1 марта алмаштирилиши ва қайтиб ўйинга тушиши мумкин;
- ўйин 3 ёки 5 партиядан иборат бўлади;

- ҳар партияда ҳисоб 15 гача, агар 15:15 булиб қолса энг юқори ҳисоб 17 очкогача давом этади. Ҳал қилувчи партия таймбрейк тарзида ўтади, ҳисоб токи 2 очко фарқ қилгунча давом этади.

Ўйин тўхтатилади ва хато эълон қилинади:

- тўп киритишида: чизик босилса, тўпни ирғитмасдан ўйинга киритилса, тўп киритиш навбати бузилса, тўп тўрга ёки бегона предметларга тегса, тўп киритиш жараёни 5 сониядан ортса;

- тўп узатиш ва қабул қилишида: туп бир вақтни ўзида ёки кетмакет бир ўйинчи томонидан 2 марта ўйналса, илиб узатилса, ёки қабул қилинса, бир жамоа ўйинчилари (тўсиқдан ташқари) 3 мартадан ортиқ тўп билан ҳаракат қилсалар;

- зарба ва тўсиқ қувишида: ўйинчи турга тегиб кетса, ўрта чизикдан ўтиб кетса, тўпни илиб ўйналса, тўп антеннадан ташқари ёки антеннага тегиб кетса, рақиб томондаги тўп ўйналса.

Қоидалар расмий ҳолда тўлиқ 1946 йилда жорий этилган, лекин 1951 йилга келиб Марсельда ФИВБ Конгресси томонидан тасдиқланди.

1947 йил – эркаклар ўртасида ўйин 5 партиядан иборат

1950 йил – аёллар ўйини 5 партиядан иборат

1952 йил – танаффус 1 партияда 2 марта

1957 йил – танаффус 1 мин.дан 30 сек.гача қисқаради

1961 йил – ўйинни алмаштириш 6 тага ошди

1965 йил – тўсиқ қўювчи қайта ўйнаши (тўпга тегиши) мумкин, у қўлларини рақиб томонига ўтказиши мумкин

1970 йил – антенна 180 см

1976 йил – киритилган тўпга тўсиқ қўйиш

Ҳозир тўпни оғирлиги 270 ± 10 г, доиравий узунлиги 66 ± 1 см

1980 йил – тўп ичидаги босим $P=0,4 - 0,45$ кг/см²

1984 йил – тўпни қабул қилишида танани белдан баланд жойи билан бир неча бор «тегиши» мумкин, тўп ўйинга киритилаётганда уни тўсиш бекор қилинади.

1988 йил – энг юқори ҳисоб 17 гача, ҳал этувчи партия таймбрейк тарзида очколар сони 2 та фарқ бўлгунча давом этади.

1992 йил – тўп танани тиззадан юқори барча жойига тегиши мумкин.

1996 йил – тўп танани барча жойига тегиши мумкин. Ҳар партияда ҳисоб 5 ва 10 бўлганда 2 та бир дақиқадан техник танаффус

берилади. Шундан сўнг жамоалар 1 мартадан 30 сек. Танафус олишлари мумкин. Тўп киритиш 9 метр оралиғида ижро этилиши мумкин.

Ҳар хил ёшдаги волейболчилар учун тўрнинг баландлиги

Ёш гурухлари		Тўрнинг баландлиги(м)
11-12	Ўғил болалар	2,20
	Қиз болалар	2,00
13-14	Ўғил болалар	2,30
	Қиз болалар	2,10
15-16	Ўғил болалар	2,40
	Қиз болалар	2,20
17-18 ва ундан катталар	Эркаклар	2,43
	аёллар	2,24

Замонавий волейбол майдоннасини ўлчамлари 9x18 м. Тўрни узунлиги 9,5 м, кенглиги 1м, катаклари 10x10 см. Майдонча чизиқларини кенглиги 5 см. Антеннаси баландлиги 180 см. Ўйин қоидаларини атрофлича талқини маҳсус бўлимда ёритилади.

Ҳакамларнинг тарбиявий ахамияти. Ҳакамларнинг ва ҳакамлик қилишнинг олий мақсади нафақат мусобақа иштирокчиларининг ўйин қоидасига амал қилишларини назорат қилиш, балки айнан шу ўйинчиларни тарбиялашдан иборатdir. Уларда ўйин ва муносабат интизомини шаклантириш, ҳамкорлик, бир-бирларини қўллаб-куватлаш, ўзаро хурмат, одоб ва маънавий хислат ва туйгуларни ўйғотиш ҳакамларнинг бурчидир.

Албатта ҳакам мусобақа қоидаларига, умуман волейболга оид барча янгилик, сўнгти маълумотлардан хабардор бўлиши даркор. Мусобақа низомини, ўйинлар ўтказиладиган жойларнинг шартшароитини, метеорологик ва моддий-техника имкониятларини ва ҳоказо масалаларни билиши шарт.

Ҳакамни обрўий – уни касбий малакасида, билимида ва айникса одил, адолатли ҳакамлик қилишидадир.

Ўйинчилар ўйин интизомини бузганда, мусобақа қоидалрига риоя қилмай ҳакам билан тортишса, уларга жазо бериш ўз вақтида амалга оширилиши зарур.

Жазо «айб»га яраш бўлиши шарт. Бордию ҳакам хатога йўл қўйса, у ўз вақтида бу хатони бўйнига олиши керак ва адолатни тиклаши зурур.

Ҳакам нафақат ўйин давомида ўз одоби билан намуна бўлиши, балки у бошқа жойларда ҳам ўзини тута билиши керак.

Ҳакамлар

- биринчи ҳакам (минбардаги ҳакам)
- иккинчи ҳакам
- ҳакам-котиб
- ахборот берувчи ҳакам
- 4 тачизиқ ҳакамлари
- 6 та тўп узатиб турувчилар

Ҳакамларнинг ҳар бирини ўз вазифаси, ҳуқуқлари, ҳакамлик қилиш жойлари ва воситалари мавжуд. Уларни атрофлича талқини маърузада оғзаки ва ўқув фильмлари ёрдамида баён қилинади, тушунтирилади.

Мусобақа ўйини олдидан 20-30 мин майдончани, анжом (тўп, тўр, майдон чизиқлари), ҳакамларни кийим-бош, тайёргарлиги, хуллас ўйинни ўтказишга нима, ким, қанча керак бўлса, ҳаммасини мухайёлиги биринчи ҳакам томонидан текширилиши керак ва зарурият бўлса таъминотни ошириш талаб қилиниши шарт.

6. ЎЙИН ТЕХНИКАСИ

Волейбол спорт ўйинлари турларига мансуб бўлиб, ўз моҳияти, мазмуни ва хусусияти билан улардан фарқ қиласди. волейбол уйини нисбатан кичик бўлган, яъни ўртасидан тенг иккига булинган 18x9 метрли тўғри бурчакли тўртбурчак шаклидаги майдончада амалга оширилади. 6 кишидан иборат бўлган икки жамоани майдонча ўртасидан ўтган ўрта чизик ва тўр чегараланган бўлиб, ўйин шу тўр устидан тўп билан ўйналади. Замонавий волейбол турли ўйин малакалари ва тактик комбинацияларга ниҳоятда бой бўлиб, ўта катта шиддат ва тезликда ўтади. Бинобарин, волейболнинг юқорида зикр этилган ўзига хос хусусиятлари ўйинчилардан мукаммал такомиллашган техник маҳорат талаб қиласди. Мусобақа ўйинларида техник маҳорат қанчалик кенг ва ташки таъсиirlарга нисбатан иукаммал шаклланган бўлса, шунчалик ғалабани қўлга киритиш имкони кўп бўлади.

Ўйин техникаси – бу бир вақтнинг ўзида кетма-кет ва муайян максадли тартибда ижро этиладиган ихтисослашган ҳаракат ёки ҳаракатлар мажмуасидир. Ўйин техникаси – ҳаракатни аниқ, тез, енгил, вазиятга мувофиқ, кам куч сарф этиб юқори самарада бажаришга мўлжалланган бўлиши лозиа.

«Техника» атамаси юнонча (tehnus) сўз бўлиб, жуда кенг маънода фойдаланилади ва ўзбек тилида «санъат» тушунчасини англатади. Милоддан аввал 776 йилдан бошлаб ҳар 4 йилда Юнонистондаги Олимп тоғларининг этагида жойлашган Олимп қишлоғида Худо Зевс шарафига ўтказмладиган умум-юнон байрам мусобакалари иштирокчилари 2 ғилдиракли аравачада пойга, муштлатиш, бешкур III спорти бўйича ўз санъатларини (техникасини) намойиш этганлар. Қизиғи шундаки ҳар бир иштирокчи мусобақадан олдин ўз қадди-қоматини, мушакларини шаклланганлиги ва бошқа шу спортга оид хислатларни намойиш қилиши мазкур мусобақанинг шартларидан бири бўлган. Демак, муайян спорт тури билан муентазам шуғулланиш натижасида одамнинг қадди-қомати, мушаклари ва организмнинг жамики барча органлари шаклланади, бинобарин спортчининг техник маҳорати, санъатини такомиллашиши таъминланади.

Техникага оид барча воситалар борки (самолёт, автомобиль, ракета, телевизор, совутгич, соат ва ҳоказо) уларнинг техник паспорти мавжуд булиб, унда мазкур воситанинг техник кўрсаткичлари ва ўлчамлари берилган булади. Спортда ҳам муайян ҳаракат малакасининг ўзига хос техник кўрсаткичлари, ўлчамлари ва уни ижро этишда шаклланган техник тартиби мавжуддир.

Ўйин техникасини таснифий таркиби ва унинг мазмуни

Волейболда ўйин техникаси ўзига хос таснифга эга бўлиб, у бир неча туркумдан таркиб топади. Ўйин техникасининг таснифи «хужум техникаси» ва «ҳимоя техникаси» каби туркумларга бўлинади. Улар эса ўз навбатида юқоридан пастга қараб бир-бирига бўйсундирилган кичик туркумлардан ташкил топади.

Хужум техникасига ҳолат ва ҳаракатланиш, узатиш, тўпни ўйинга киритиш ва зарба техникаси киради.

Ҳимоя техникаси эса ҳолат ва ҳаракатланиш, тўпни қабул қилиш ва тўсиқ қўйиш техникасидан иборат.

Ҳолат ва ҳаракатланиш техникаси

Ўйинда рўй берадиган вазиятларга қараб ўйинчи ҳолати турлича бўлиши мумкин.

Жанговор ҳолат – ҳар қандай йўналишдаги ҳаракатланишга ёки вазиятга муносиб ўйин малакасини дарҳол бажаришга қаратилган бўлади. Бунда ўйинчи оёкларининг таянч сатҳи деярли катта бўлмайди, яъни салгина оёқ учida турилади, оёқлар тизза бўғимларида бирозгина эгилган бўлиб, тана ҳиёл олдинга интилган бўлади. Вазиятга қараб «жанговор» ҳолат уч турда ижро этилиши мумкин.

Турғун ҳолат – бир оёқ иккинчи оёқдан бир оз олдинга жойлашади, тиззалар букилган, гавда бир оз олдинга эгилган, қўллар тирсак-энгак сатҳигача қўтарилиган бўлади.

Асосий ҳолат – икки оёқ бир-биридан 20-30 с оралиғида параллел жойлашган бўлади. Ўйинчи оғирлиги тиззалар букилган икки оёқقا

тенг тақсимланган бўлиб, гавда олдинга интилган, тирсаклар букилган ҳолда қўллар гавда олдида жойлашган бўлади.

Ўзгарувчан ҳолат – юқорида қайд этилган у ёки бу ҳолатларнинг техник нусхасини ўзида мужассамлаштирган бўлади.

Ҳаракатланишлар – турли усувларда амалга оширилади: юриш, югуриш, силжиш, ҳатлаш.

Узатиш техникаси. Тўп узатиш волейболда асосий ўйин малакаларидан бири бўлиб, шу ўйин билан боғлик бўлган барча техник-тактик фаолиятни амалга оширишга имкон яратувчи ягона воситадир.

Узатиш – хужум техникасига мансуб бўлиб, уни маълум вазиятда тактик маҳорат билан тўғридан-тўғри ижро этиш очко олиш имконини бериши мумкин.

Тўп узатиш – немис мутахассиси М.Фидлерми (1970) изохига биноан – бир вактни ўзида бажариладиган икки ҳаракат малакасидан иборат бўлади. Биринчи «жанговор» ҳолатдан гавдани оғирлик марказини бир оз пастга тушириш, яъни оёкларни тизза қисмидан салгина эгилишидан то тўпни қабул қилишгача бажариладиган малака. Бу малака ҳимоя техникасига киради. Иккинчиси – агар тўп мақсадли йўналиш бўйича маълум ўйинчига аниқ етказиб берилса, бу узатиш деб юритилади ва ҳужум техникасига киради.

Узатиш бир неча турлардан иборат бўлади: таянч ҳолатда икки қўллаб юқоридан узатиш, икки қўллаб пастдан узатиш, бир қўл билан юқоридан ва пастдан узатиш, сакраган /таянчсиз/ ҳолатда икки қўл ёки бир қўл билан юқоридан узатиш.

Узатиш верикал, горизонтал ёки диогонал равища баланд, паст, узоқ ёки яқин йўналишларда ижро этилиши мумкин.

Икки қўллаб юқоридан узатиш техникаси. «Жанговор» ҳолат – бир оёқ иккинчисига нисбатан олдинда, иккала оёқ ҳам тизза қисмидан эгилган бўлади; келаётган тўпни йўналишига, баланд-пастлигига ва тезлигига қараб ҳолат ёки ҳаракатланиш – жой танлаш муносиб мазмунга эга бўлиши лозим; тўп яқинлашганда тўпга нисбатан қарши ҳаракат оёкларни тизза қисмидан ёзилиши билан бошланади; қўлларни кўрсатиш ва катта бармоқлар учбурчак шаклда бўлиб, уни орасидан тўпни яқинлашиши кузатилади; билаклар салгина орқага эгилган бўлиб, бармоқ-панжа-кафтлар чўмич шаклида бўлади; тўп

билин құлларни «учрашуви» араfasида оёқларни тизза қисмидан ёзилиши, құлларни тирсак қисмидан ёзилиши билан давом этиб, узатиша түпни йұналишини максадға мувофиқ таъминлаши лозим. Узатиши сүнгти дақиқасида оёқ ва құллар шиддат билан ёзилади. Узатиши вактида бармоқлар амортизация ва йұналтириш, күрсатиш ва үрта бармоқлар эса билакларни түпга қарши ҳаракати билан биргалиқда узатиши таъминловчи күч вазифаларини бажаради. Номсиз ва кичик бармоқлар түпни ён томондан уни аниқ йұналтирилишига ёрдам беради.

Таянчсиз ҳолатда /сакраган ҳолатда/ икки құллаб юқоридан узатиши техникаси – аксарият қисқа баландықда фақат сакраган ҳолатда амалға оширилади.

Икки ёки бир құллаб пастдан узатиши (қабул қилиш) техникаси маъruzанинг «химоя техникаси» қисмидан ёритилади.

Түпни үйинга үйинга киритиши техникаси. Түпни үйинга киритиш – үйинни бошлаш ёки довам эттириш воситаси бўлсада, у айниқса, сүнгти йилларда, ҳужум техникаси тизимида ғалаба (очко) келтирувчи асосий малакаларга айланибормоқда. Түпни үйинга киритиш бир неча турлардан иборат: тўрга нисбатан тўғри туриб пастдан ва юқоридан тўп киритиш; тўрга нисбатан ён томон билан туриб пастдан ва юқоридан тўп киритиш; юқоридан тўғри ва ён томон билан туриб тўпга умуман айланма ҳаракат бермасдан (планирующая подача) тўп киритиш.

Юқорида қайд этилганидек, тўп киритиш турлари ҳар хил бўлсада, уларнинг бир хил хусусиятлари мавжуд, чунончи, дастлабки ҳолат – чап (ўнг) оёқ бир қадам оралиғида олдинга жойлашади; ҳаракатланишининг дастлабки босқичида оёқлар тизза қисмидан бир оз эгилган бўлади; чап қўлда жойлашган түпни; пастдан тўп киритишида тахминан тўп 25-50 см баландга вертикал ирғитилади; юқоридан тўп киритишда тўп тахминан 1,0 м атрофида ирғитилади; бундан ташқари пастдан тўп киритишда гавда олдинга бир оз букилган бўлади, юқоридан тўп киритишда эса гавда вертикал ҳолатда бўлади; тўп ирғитилиши биланоқ тананинг оғирлик маркази орқа томонга силжитилади; гавда ва ўнг қўл баробарига орқа томонга ҳаракатланади;

- пастдан тўғри туриб тўп киритишда ўнг қўл ерга нисбатан перпендикуляр равища орқага силжитилиб, сўнг ирғитилган тўпни шиддат билан олдинга-баландга урилади;

- пастдан ён томон билан туриб тўп киритилганда ўнг қўл ерга нисбатан параллел равища орқага силжитилади, сўнг олди томонга параллел ҳаракатда шиддат билан ирғитилган тўпни олдинга-баландга урилади;

- юқоридан тўғри туриб тўп киритишда ўнг қўл юқорига вертикал кўтарилиган ҳолатдан орқа томонга ҳаракатлантирилиб, тирсақдан букилади, сўнг қўл ёзилиши билан бир қаторда олд томонга шиддат билан ҳаракатлантирилиб вертикал ҳолатга етганда тўпзарб билан урилади, тананинг оғирлик маркази олд томонга силжиши керак;

- юқоридан ён томон билан турган ҳолатдан гавда ўнг томонга эгилади, қўл орқага-пастга туширилади ва қайта шиддат билан олд томонга ҳаракатлантирилиб, вертикал ҳолатда ирғитилган тўп зарб билан урилади;

- тўғри ва ён томон билан тўпни айланма ҳаракатсиз киритишда зарба берувчи қўл тўпдан деярли қисқа оралиқда бўлади ва зарба тўпни марказий нуқтасига тўғри келиши керак.

Албатта тўп киритиш техникасига юқорида қайд этилган услубий кўрсатмалар вазиятга, тўп киритиш тактикасига, ўйинчининг маҳорати ва имкониятига қараб уёки бу томонга ўзгариши мумкин.

Зарба (хужум) техникаси. Сакраб зарба билан тўпни уриш ёки тўсиқчиларни чалғитиш ниятида бир қўл билан тўпни рақиб майдончасини бўш жойига узатиш (ўтказиб юбориш) ўйин вазиятининг очко олиш билан туталланишига ёки жуда бўлмаганда рақиб жамоани қайта хужум уюштиришига имкон бермасликка қаратилган бўлиши лозим.

Зарба – қисқа оралиқда чопиш (1 фаза), депсиниш ва сакраш (2 фаза), зарба бериш (3 фаза) ва қўниш (4 фаза) малакалари асосида амалга оширилади.

Қисқа оралиқда югуриш фазаси ўз навбатида бир-бири билан боғлиқ бўлган З қисмга бўлинади: дастлабки (тайёргарлик), ўрта (югуришнинг асосий қисмлари) ва томонни ерга кўйиш (депсинишгача) жараёнлари.

Югуришнинг дастлабки қисмида волейболчи хали ўзига узатилган тўпнинг йўналишини тўла илғамасада, ҳаракат йўналишини ойдинлаштириш мақсадида бир-иккита тайёргарлик қадамини қўяди.

Югуришнинг иккинчи (ўрта) қисмида, узатилган тўпни йўналиши ва шунга муносиб бўлган ҳаракат йўналиши аниқланиб, шиддат билан югуриш қадамлари ташланади. Бу қисмда ижро этиладиган малакалар ҳужумчини жисмоний, техник ва тактик имкониятларига қараб у ёки бу томонга ўзгариши мумкин.

Югуришнинг учинчи қисмида тана оғирлик марказини пастроқ тушириб, ўнг оёқ билан шиддатли катта қадам қўйилади, аввал ерга оёқнинг товон қисми қўйилади, сўнг чап оёқни бирлаштириш билан бир қаторда икки оёқнинг тизза қисмлари янада букилади, икки қўл орқадан олдинга тезлик билан ҳаракатланиб, инерциядан фойдаланган ҳолда депсиниш ижро этилади.

Иккинчи фаза – сакраш. Вертикал равиша, қўлларни олдинга-юқорига шиддатли ҳаракати тўрга тегмасдан ва икки оёқ билан депсиниш эвазига амалга оширилади. Сакраш фазасининг сўнгти дамида гавда орқа томонга эгилади, зарба берувчи қўл, шиддат билан ёй шаклида юқорига ҳаракатлантирилади, қўл тирсак қисмидан паст томонга букилади.

Учинчи фаза – тўпни зарба билан уриш. Ўнг қўлни (зарба берувчи қўл) тирсак қисмидан ёзилиши, уни юқорига – олдинга қараб ижро этилган ҳаракати билан ифодаланиб, қўл айнан вертикал ҳолатгача ёзилган вақтда қўлдан ташқари қорин-кўкрак-бел мушакларини бараварига кескин қисқариши ёрдам бериши зарур. Зарбани тактик максадга қараббарча мушакларни қисқариш кучи ва иштирок этиш фоизигурлича бўлиши мумкин.

Тўртинчи фаза – қўниш. Оёқларни эгилган ҳолатида амортизация қаршилигида ижро этилади.

Зарба бериш техникаси – тўғри йўналишда, яъни чопишни йўналишида, гавдани бурмасдан ва буриб турли йўналишда зарба беришни ўз ичига олади. Зарбанинг мазкур турларидан ташқари сақраб ён томомн билан зарба бериш тури мавжуд. Лекин зарбанинг ушбу тури сўнгти йилларда, афсуски, кам ижро этилмоқда.

Химоя техникаси. Тўпни қабул қилиш техникаси.

Тўпни қабул қилиш – бу ўйинчи ўз майдончасида тўпни қоидага биноан ерга тушишига қарши қўллайдиган ҳаракат малакасидир. Тўпни қабул қилиш турли усулларда ва ўзига хос техник тартибда ижро этилади.

Пастдан икки қўл билан қабул қилиш. Замонавий волейболда асосий ҳимоя воситаларидан бири бўлиб, дастлаб тез ва аниқ тўпни йўналишига қарши чиқиш тана оғирлик марказини пастроқ тушириб (оёқларни тизза қисмидан букилиши ҳисобига), пастдан икки қўлни тўғри ёзилган ва жипслангандан икки қўлни пастдан-юқорига, олди томонга қараб ҳаракатланиши асосида ижро этилади.

Кўл ҳаракати оёқларнинг тизза қисмидан ёзилиши ва тана оғирлик марказининг кўтарилиши билан мос келиши керак. Қабул қилинган тўпга йўналиш бериш қўл, оёқ ва гавданинг бир-бирига мос бўлган ҳаракати орқали амалга оширилади. Кўлларнинг билак қисмидан тирсак қисмигача тўп қабул қилиш чегараси ҳисобланади.

Пастдан икки қўл билан тўпни қабул қилиш техникаси, яъни мазкур малакани ижро этишда тана оғирлик марказини баланд-пастлиги, оёқларнинг тизза қисмидан букилиш бурчагини катта-кичиклиги, гавдани бир оз олдинга этилиши ва вертикал равища бўлиши, йиқилиб қабул қилишлар ўйин вазиятига – ўйинга киритилган тўпни ёки хужум зарбасининг куч-тезлигига ва бошқа шароитларга боғлиқ бўлади.

Пастдан бир қўл билан тўпни қабул қилиш. Тўп ўйинчидан узокроқ (баъзида баландроқ) йўналтирилган бўлса (тушадиган бўлса) амалга оширилади. Бунинг учун ҳаракатланишини сўнгида (ёки жойдан туриб) охирги қадам кенг қўйилади, тиззалар букилади, тана оғирлик маркази пастроқ туширилади, гавда тўпга карама-қарши «жойлашади». Агар мазкур малака ёрдамида тўпни қабул қилиш имконияти бўлмаса, унда «узун» қадам ташланиб, ён томонга яrim овал шаклида эгилиб тўп томон ташланади. Тўп билан қўлни «учрашуви» арафасида тана ер билан параллел даражага келган ҳолда сирпаниб «қўнилади». Шуни ҳам эслатиб ўтиш ўринлики, айрим ҳолларда сўнгги қоидага биноан тўпни «олиш» имкони бўлмай қолса, уни қабул қилиш оёқнинг исталган қисми билан амалга оширилади.

Тўсиқ қўйиш техникаси. Тўсиқ қўйиш – бу рақиб ўйинчиси томонидан узатилган ёки зарба берилган тўп йўналишини тўсиш, унга

қарама-қарши «жонли девор» ташкил килишдир. Тўсиқ қуиши асосий ҳимоя воситаси бўлибина қолмай, балки мазкур тўсиқ ёрдамида очко олиш имконияти ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Демак, ўз навбатида тўсиқ қўиши хужум тизимиға ҳам мансубдир.

Тўсиқ қўювчи ўйинчи дастлаб оёқларини елка кенглигидан жойлаштиради, оёқлар тизза қисмидан хиёл букилган бўлади, қўллар тирсак қисмидан букилган бўлиб, панжалар ёйилган шаклда бўлади. Тўпни йўналиш жойига қараб ҳаракатлантиргандан сўнг (баъзида туриб) оёқлар тизза қисмидан бирозгина букилиб, шиддат билан ёзилади ва қўлларнинг фаол ҳаракати билан сакраб, тўп кенглигидан тўсиқ қўйилади. «Қўниш» - оёқларни амортизацион букилиш ҳисобига амалга оширилади. Тўсиқ қўйишда сакраш жараёни рақиб хужумчисининг сакраш вақтидан бир оз кечроқ бошланиши мақсадга мувофиқдир.

Тўсиқ қўйиш якка ҳолда ва гурӯҳ бўлиб ижро этилиши мумкин. Гурӯҳ иштирокида тўсиқ қўйиш тўсиқ қўювчи ўйинчиларнинг қўллари орасидан тўп ўта олмаслигини таъминлаши зарур.

Тўсиқ қўйишда рақиб томонидан узатилган ёки зарба билан уриладиган тўпнинг бўлажак йўналишини фаҳмлаш ва шунга яраша муносиб жой танлаш мазкур малаканинг ижобий якуnlанишида ғоят катта аҳамиятга эга.

7. ВОЛЕЙБОЛ ЎЙИННИНИНГ БОШЛАНГИЧ МАЛАКАЛАРИ ТЕХНИКАСИГА ЎРГАТИШ УСЛУБИЯТИ

Спорт малакалариға дастлабки ўргатиш жараёни кўп йиллик спорт тайёргарлиги тизимининг пойдевори бўлиб ҳисобланади. Дастлабки ўргатиш ўз ташкилий, услугий, илмий ва моддий-техника нуктаи назаридан қанчалик пухта асосланган бўлса, сифатли бўлса, шунчалик спорт ўринбосарларини тайёрлаш йули қисқароқ ва осонроқ бўлади. Аммо бу, албатта, мутахассиснинг билимига, касбий кўникма ва малакалариға бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун мутахассисларни тайёрлашга мўлжалланган ўкув дастурининг энг эътиборли ва асосий бўлимларидан бири бошлангич ўргатиш услубияти (технологияси) бўлиб ҳисобланади.

Мазкур маъruzада бошлангич ўргатиш жараёнини мақсад вазифалари, услугуб ва воситалари ҳамда мавзууга оид бўлган маълумотлар талқин этилади.

Мусобақа жараёнида самарали натижага эришишнинг асосий шарт-шароитларидан бири – бу волейболчининг техник тайёргарлиги, техник маҳорати такомиллашган даражада бўлишидир. Демак, ўргатиш жараёнининг дастлабки ва асосий мақсади бу ўйин техникасини мукаммал ўзлаштиришдир.

Ҳаракат – (ўйин) малакалари – тўпни узатиш, қабул қилиш (химоя), тўпни ўйинга киритиш, зарба бериш, тўсиқ қўйиш – белгиланган босқичларда, маълум услублар ва воситалар ёрдамида ўзлаштирилади, мукаммаллаштирилади, такомиллаштирилади. Мазкур жараён педагогик, биopsихологик ва биомеханик қонуниятлар асосида амалга оширилади.

Ўргатиш жараёни – бу педагогик жараён бўлиб, тренердан, ўқитувчидан катта маҳорат, касбий тайёргарликни талаб қиласди. Лекин шундай бўлсада, ҳаракатни (ўйин малакасини) ижро этиш техникасига ўргатиш бошқа аҳамиятли сабабларга ҳам боғлиқдир: боланинг фаоллиги, машғулотларнинг сони, сифати, давом этиш муддати, ёрдамчи техник ускуналар, машғулот ўtkaziladigan жойнинг шарт-шароитлари, боланинг қизиқиши, ҳаракат «бойлиги», тажрибаси ва ҳоказо.

Шуни ҳам айтиш зарурки, ҳаракат техникасини ўзлаштириш муддати боланинг оилавий шароитига, унинг ижтимоий ва иқтисодий имкониятига ҳамда руҳий ҳолатига боғлиқдир.

Юқорида келтирилган маълумот ва ўргатиш жараёнида эътиборга олинадиган омиллар маълум услубий тартибда асосланган режалаштирув хужжатлардан жой олиши керак. Бундан ташқари боланинг ички «сирли» имкониятларини ҳамда мавжуд омилларни аниқлаш танлов дастури ва машқлари ёрдамида амалга оширилиши зарур. Олинган натижалар ўргатиш услубларини, босқичларини ва технологиясини қўллашда таянч омил булиб хизмат қилиши керак.

Дастлабки ўргатиш жараёни бир неча босқичларда амалга оширилади ва бу босқичларни ҳар бири ўзига хос услуг ва воситаларни ўз ичига олади.

Умумий ривожлантирувчи машқлар ўйинчидаги жисмоний баркамоллик ва ўйинчи учун зарур булган ҳаракат кўникумлари ва малакаларини сайқаллаш учун фойдаланилади.

Барча машқлар ўз йўналишига мос равишда бирлашган ҳолда машқ қилишнинг маҳсус тайёргарлиги асосий қисмларини ташкил этади: умумий жисмоний, маҳсус жисмоний, техник, тактик, ўйин тайёргарлиги. Ҳар бир тайёргарлик турида ўзининг етакчи омиллари борки, улар ёрдамида қўзлаган мақсадга эришилади. Шу билан бирга барча турдаги тайёргарликлар бир-бири билан узвий боғлиқ. Мисол учун агар ўқувчи жисмоний яхши тайёрланмаган бўлса, у ҳужумда зарба бериш техник машқини яхши бажара олмайди. Бундай ҳолда ўқувчини жисмоний томондан чиниқтириш, зарба бериш усулини кўп марта тақрорлашдан кўра фойдалари оқидир.

Биринчи босқич: - ўрганиладиган ҳаракат техникаси билан танишиш. Бунда, айтиб бериш, кўрсатиш ва тушунтириш услублари қўлланилади. Ўқитувчи шахсан кўрсатиш билан бирга қўргазмали қуроллардан фойдаланади: кинофильм, тасвирий фильм, схема, майдон макети ва ҳоказо.

Намойишни тушунтиришлар билан қўшиб олиб бориш керак. Ўқитувчиларнинг дастлабки уринишлари уларда бирламчи ҳаракат сезгисини шакллантиради.

Иккинчи босқич: - техникани соддалаштирилган (оддийлаштирилган) ҳолатда ўрганиш. Мазкур ўрганиш босқичида

муваффақият кўп холатларда ёндошлирувчи машқларнинг тўғри танланганилигига боғлиқдир. Улар ўзининг тузилиши шаклига кўра ўрганилаётган ҳаракат техникасига яқин ва ўқувчилар бажара оладиган бўлиши керак. Мураккаб тузилишга эга бўлган ҳаракат (хужум зарбаси), уни ташкил қилувчи асосий звеноларга (қисмларга) ажратиб берилади. Бу босқичда бошқариш услубларидан фойдаланилади (буюриш, кўрсатма бериш, кўриш ва эшитиш, кўриб илғаш, техник воситалар ва ҳоказо) ҳамда кўргазмали ҳаракат (ўқитувчининг бевосита ёрдами, ёрдамчи жихозларни қўллаш), ахборот (тўпга бўлган зарба кучи, тушиш аниқлиги, ёргулек ёки овозни белгилаш) каби услаблар алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Учинчи босқич: - техникани мураккаблаштирилган шароитда ўргатиш. Бунда қуидагилар қўлланилади: такрорий усул, ҳаракатни мураккаб шароитларда бажартириш, ўйин ва баҳолаш услуби, қўшма услуб, давра айлана машқлари. Такрорлаш услуби бу босқичда энг асосийдир. Кўп маротаба такрорлашига малакани шакллантиради. Малака ҳосил қилиш учун такрорлаш турли шароитларда машқ бажаришни (ҳаракат шароитини ўзгартиоишни, аста-секин мураккаблашишни) таказо этади. Ҳаттоқи чарчаганда ҳам машқлар бажартирилади, қўшма ва ўйин услублари бир вақтни ўзида техникани сайқаллаштиришга ҳамда маҳсус жисмоний сифатларни ўстириш масалаларини хал қилишга, ҳамда техник-тактик тайёргарлик ва ўйин маҳоратини таомиллаштиришга қаратилган бўлади.

Тўртинчи босқич: - ҳаракатни ўйин жараёнида мустаҳкамлашни кўзда тутади. Бунда бажарилган ҳаракатларни талқин қилиш услуби қўлланади (расмлар, жадваллар, ўқув фильмлари, тасвирий фильмлар), ўйин жараёнида техник-тактик, маҳсус тайёргарлик топшириқлари, ўйин ва «беллашин» усуллари.

Тайёргарлик ва ўқув ўйинларида ҳар бир усулни (малакани) ўрганиш, уни таомиллаштириш ва мукаммаллаштириш кўзда тутилади. Малакани мустаҳкамлашнинг энг юқори воситаси – бу мусобақалашишдир.

Ўқитиш (ўргатиш)да фаол услублар катта имкониятларга эгадир. Уларнинг орасида – муаммоли ўқитиш (муаммоли вазифаларни қўйиш) ва ўзининг ўзлаштиришини баҳолаш услуби алоҳида аҳамиятга эга. Муаммоли вазифаларни қўйиш, унинг ечимини

қидирувчи ҳолатни, вазиятни вужудга келтиради, ўзини баҳолаш эса ҳаракатланиш фаолиятини яна ҳам фаоллаштиришга олиб келади, бу ўқувчи қизиқишини яна ҳам орттиради ҳамда ижодий фикрлашга ўргатади. Юқорида айтилганларни волейболга қўллаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, пировардида асосий моҳияти шундаки, натижаларни кўриб туриш, тушуниш, мақсадга яқинлашаётганигини аниқ сезиб таришдир.

Фаол услублар қандай қилиб амалга оширилади?

Аниқ бир уйин қоидасини қисқача мазмуни ва аҳамияти айтиб берилгандан сўнг, юқоридан икки қўл билан тўпни етказиб бериш, уни бажариш усули (техникаси) намойиш қилинади ва ўқувчиларга ҳам шу усулни бажаришга имкон берилади. Сўнгра муаммоли савол қўйилади: «қўл (панжалар) билан тўпнинг тўқнашиши қаерда амалга ошади?». Жавоб беришга ҳаракат қилинган кўпгина уринишларда биз қуидаги жавобни айтишимиз амри маҳои: юзамиз қаршисида. Сўнгра янги саволлар берилади, – «Нега тўпни узатаётганда қўллар тирсақдан бир оз букилади? Уларнинг букилиши бурчагини нима белгилайди?».

Ўқувчиларнинг юқоридаги саволларга жавоб қидиришида уларнинг куч-ғайратини биомеханик қонуниятлар томон йўналтирилади, шунга кўра, саволнинг биринчи омилига жавоб максадга энг қисқа масофа танлаш билан эришиш бўлса (фазовий нуқтаи назардан), иккинчидан тўп узатувчининг кучлилик-тезкорлик имконияти даражасидир. Юқоридаги талаблар асосида яна бир бор тўп узатишни бажаришни таклиф қиласиз. Бизни вақт қўп сарфланаётгани қизиктирмайди, чунки у келажакда ўзини оқлайди.

Ўйинчининг бошланғич ҳолатда туришида нега қўллари белигача эгилган ҳолатда бўлади? Бунда тўпни ҳаракат йўналиши, табиий ҳаракатланиши, тезликни оширишга ёрдамлашуви ҳисобга олинади.

Ўз-ўзини баҳолаш: - имо-ишорага жавобан бошланғич ҳолатни эгаллаш ва ўқитвчи-устознинг андозасига ёки кино ёзувига солиштириш:

Ҳаракатланиш. Муаммоли саволлар:

1. Ҳаракат усули нимага асосланади? Тўпнинг учиш ҳолатига, ўйинчини қадди-қоматига, тўпни йўналиши, тезлиги, босиб ўтган изи (траекторияси)га.

2. Тўпга томон ўз вақтидаги харакатни қайси омиллар таъминлайди? Кузатувчанлик, тайёрлик, тезлик.

Ўз-ўзини баҳолаш: имо-ишора билан қилинган белгига жавобан ҳар хил усул билан ҳаракатлангандан сўнг шериги ёки ўқитувчи-устоз танлаб берган тўпни юз устида тутиб олиш ёки тўғри ёзилган қўл билан пастдан илиб олиш.

Юқоридан икки қўллаб тўпни етказиб бериш. Муаммоли саволлар:

1. Қўл панжалари билан тўп қаерда тўқнашади? Юз устида, юқорида, кўкрак-энгак қаршисида.
2. Тўпни узатища қўлни тирсақдан букилиш бурчаги нима билан белгиланади? Қўлни тезкор кучлилик даражасини ривожланиш сифати билан.
3. Тўпни узатища унинг айланмасдан учиши нималарга боғлиқ? Тўпни тўғри чизиқ бўйлаб унинг учишини йўналишида таъсир эттиришга боғлиқ.

Ўз-ўзини баҳолаш:

1. Бошланғич ҳолатда туриб ва ҳар хил йўналишларда ҳаракатлангандан сўнг 1-2 к.ли тўлдирилган тўпни олдинга-юқорига узатиш (ирғитиш).
2. Тўпни ўз устида ёки девордаги нишонга 20-30 см масофадан (етказиб) ирғитиб (бир неча маротаба) бериш (узатиш).
3. Тўпни девордаги аниқлик нишонига ирғитиш (10 тадан узатиш), нишон (тўпни диаметрига), яъни 10, 30, 50 ва ҳ.к см бўлган мавлум радиусли айланалардан иборат. Нишон маркази нолдан 4 м баландликда жойлашган. Деворгача бўлган масофа 2,5 м. Кўрсаткич 40 балл (нишон маркази уриш 5 балл, иккинчи айланма 4 ва ҳ.к.).

Тўпни айланмасдан учиши. Тўпни икки қўллаб қабул қилиш.

Муаммоли саволлар:

1. Қўллар кўкрак олдида қандай ҳолатда бўлиши керак?
2. Тўп елка олдига нисбатан қандай бурчак остида қабул қилинади?

Ўз-ўзини баҳолаш:

1. Кўлни елка баландлигидан кўтарилимаган ҳолда тўп 6-8 м масофага, кўлни тўғри тутган ҳолда пастдан олдинга юқорига улоқтириш.
2. Кўриш ва эшиши сигналларига жавобан жойида туриб ва турли йўналишдаги ҳаракатлардан сўнг дастлабки тўғри ҳолатни қабул қилиш.
3. Девордаги нишонга тегиб қайтаётган тўпни қабул қилиш, аниқликка 30 балл. Деворгача бўлган масофа 3м. хужум майдонида (3-2 зона орасида) 5 тадан тўп узатиш.

Хужум зарбаси: Муаммоли саволлар:

1. Депсинища қўл ҳаракати қандай роль ўйнайди? (Таяниш босими ошади).
2. Нима учун тўпни урища қўл тўғри бўлиши керак? – Кучни оширади. Кафт-панжа ҳаракатларини фаоллигига коптокни урища қандай эришилади?
- Кўлни актив жойи билан бўғини тезкор куч сифатини ривожлантириш даражасига боғлиқ.
- Хужум техника зарбасининг рационаллиги нимаси билан фарқ қиласи? (Сакраш баландлиги, қўл кафти зарбасини аниқлиги ва кучлилиги билан фарқланади.)

Ўз-ўзини баҳолаш: жойида туриб қўллар иштирокида ва қўл иштирокисиз икки оёқлаб депсиниша баландликларнинг фарқи? Кўлда елка баландлигидан туширилимаган ҳолда тенис тўпини югуриб келиб, бир қўллаб сетка устидан улоқтириш.

Тўпни мустақил баландликка ирғитиб, юргургандан кейин бир қадам қўйиб сетка устидан хужум зарбасини бериш.

Тўсиқ қўйиш. Муаммоли саволлар:

1. Тўсиқ қўйишни актив ва пассивлигини нима белгилайди? (сетка орқали рақиб томонга ўтказилган қўл катталиги)
2. Хужум зарбасини тўсиқ қўйиш учун сакраш вақти қандай аниқланади? (узатиш траекторияси бўйича). Тўп баланд бўлса, хужумчини сакрашидан кейин, ўртacha баландликда бўлса, хужумчи билан биргаликда, паст бўлса, хужумчидан олдин бажарилади.

3. Тўсиқ қўйиш самарадорлиги қандай факторлар билан шартланади? Сакровчанлик, ўз вақтида сакраш, зарба йўналишини ва тўр орқали рақиб томонига ўтган қўллар анча узоқликда эканлигини аниқлаш.

Ўз-ўзини баҳолаш:

1. Жойидан сакраш ва ҳаракатдан кейин сакрашда қўлни тўр орқали ўтиш масофаси 20см ва ундан ортиқ бўлиши мумкин.
2. Тўпни мустақил ирғитиб берилган зарбага қўйилган тўсиқ қўйиш самараси 70-80 фоиз.

Шундай қилиб, ўргатиш жараёни юқорида қайд этилган муаммоли саволлар асосида ташкил этиш болаларни мустақил фикрлашга, эркин ҳаракат қилишга ва турли ўйин малакаларини ўзига хос маҳорат билан бажаришга ундейди.

Ўргатиш жараёнининг турли босқичларида қўлланиладиган услубларни, восита ва ўргатиш технологияси самарадорлигини аниқлаш, назорат қилиш ва баҳолаш кўп йиллик спорт тайёргарлиги тизимининг асосий талабларидан биридир. Бу тадбирни ўқитувчи-тренер ўргатиш жараёнининг ҳар бир босқичида, спорт тайёргарлигининг бирча даврларида амалга оширадилар. Жараённи самарасини аниқлаш, мунгазам педагогик назорат қилиш, баҳолаш, машғулотларни кузатиш, талқин қилиш, ўқувчилар ўрганилаётган техник малакаларни қай даражада ўзлаштирганликлари ёки уларнинг жисмоний имкониятлари белгиланган маҳсус назорат ва синов машқлари ёрдамида жорий этилади. Айрим вақтларда, имкони бўлса, техник ёки жисмонии тайёргарликни баҳолаш маҳсус аппаратлар орқали аниқланса айни муддао бўлади. Олинган натижалар талқин қилинади, муҳокамала тақдим этилади. Агар бордию натижалар ўргатиш жараёни ёки жисмоний сифатларни бўш, нотўғри йўналишда ривожланганигини исбот қиласа, унда ўргатиш жараёнига, режалаштирув ҳужжатларига керакли тузатишлар, ўзгартиришлар киритилади, сўнг маълум муддат ўтгандан кейин қайта текширилади.

8. ВОЛЕЙБОЛ БҮЙИЧА ДАРС ЎТКАЗИШ УСЛУБИЯТИ. Таълим муассасаларида волейбол дарсининг ўрни, мақсади ва вазифалари.

Жисмоний тарбия ва спорт миллат генофондини шакллантириш ва баркамол авлодни тарбиялашда кафолатли омил сифатида борган сари ўқувчи ёшларнинг кундалик турмуш тарзига сингиб бормоқда.

1999 йил 27 майдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора тадбирлари» тўғрисидаги 271-сонли Қарорига биноан ~~таълим~~ муассасаларида жисмоний тарбия дарслари ҳажмини оширилиши, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби З босқичли мусобақалар тизимини татбиқ этилиши, «Алпомиш» ва «Барчиной» тест синовларининг жорий қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш» ва шу масала бўйича Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус қарори каби концептуал ҳужжатлар ушбу сохани, айниқса ёшлар ўртасида янада жадалроқ оммавийлашишига кенг ҳуқуқий имкониятларни очиб бермоқда.

Ўрта умумтаълим мактаб, академик лицей ва қасб-хунар коллежлари ўқув режалари таркибига мустақил фан сифатида киритилган волейбол дарси ўқувчи ёшларнинг жисмоний ва функционал имкониятларини ошириш, соғлигини мустаҳкамлаш, ҳаётий зарур малакаларни шакллантириш, маҳсус сифатларни тарбиялаш, техник-тактик ва ўйин малакаларига ўргатиш маънавий-маданий, аҳлоқий ва психологияк хислатларни камол топтиришда ўта мухим аҳамиятга эгалир.

Жисмоний тарбия дарсининг мақсади ва вазифалари

Жисмоний тарбия дарсининг асосий мақсади «жисмоний маданият» ва унинг таркибий йўналишлари (жисмоний тарбия, спорт, жисмоний ва функционал тайёргарлик, жисмоний сифатлар ва ҳоказо) ҳақида дастлабки билим бериш, ҳаётий зарур ҳаракат малакалри ва кўникумаларни шакллантириш, асосий жисмоний сифатларни тарбиялашдан иборат. Ўз саломатлиги ва жисмоний қудратини

мустаҳкамлаш ўқувчи ёшларнинг нафақат шахсий иши, балки бу масъулият уларнинг жамият олдидаги бурчи эканлигини онгига сингдириш ўқитувчи томонидан ҳал этиладиган мұхим масалалардан бири бўлиши лозим. Ушбу мақсадга эришиш ёш авлодни «катта» ҳаётга тайёрлаш, бўлажак касбий фаолиятни самарали ташкил қилиш, турмуш қийинчиликларини енгиб ўтиш ва Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни шараф билан адо этиш имкониятини яратади.

Жисмоний тарбия дарсининг вазифалари юқорида қайд этилган мақсадларданкелиб чиқсан ҳолда соғлиқни мустаҳкамлаш, умумий ва маҳсус жисмоний сифатларни ривожлантириш, муайян спорт тури (волейбол)га хос ҳаракат малакалари техникасига ўргатиш ҳамда спорт интизомини шакллантириш, рақибини хурмат қилиш ҳиссиётини уйғотиш, ирода, диққат васезгирилик каби хислатларни тарбиялашдан иборат.

Дарснинг тузилиши ва мазмуни

Волейбол бўйича ўтказиладиган жисмоний тарбия дарси, шу жумладан волейбол дарси 3 қисмдан ташкил топади.

1 қисм – тайёрлов 10-12 дақиқага teng бўлиб, ўз ичига синфни ташкил этиш (сафланиш, навбатчи ўқувчини ўқитувчига давомат ҳақида ахборот бериши, дарс вазифалари билан таништириш), саф машқлари, умумий ва маҳсус машқларни киритади. Дарсни тайёрлов қисмида бериладиган машқлар шу дарсни максад вазифаларини ечишга қаратилган бўлиши лозим. Тайёрлов машқлари тана мувозанатини саклан, қадди-қоматни шакллантириш, юриш, югуриш, сакраш, куч, тезкорлик, чаққонлик, чидамкорлик ва эгилувчанлик сифатларини тарбиялашга мўлжалланади. Дарснинг тайёрлов қисми ўқувчилар организмини «қизитиш» ва уни функционал жиҳатдан шу дарснинг асосий қисмига тайёрлашдан иборат. Дарснинг ушбу қисмини ўтказиш шиддати дастлаб секин-аста оширилиб, шу қисмни ўртасидан яна секинлаштирилиши керак.

Асосий қисм 30-35 дақиқа давом этади. Мазкур қисмда дарсни асосий максад ва вазифалари ечилади. Техник-тактик малакалар ўзлаштирилади. Бунинг учун ўрганиладиган ўйин малакаларига оид

тақлид ва түп билан бажариладиган машқлар қўлланилади. Малакаларга ўргатиш ва уларни шакллантириш якка тартибда ёки кичик гурӯхлар ва барча ўқувчилар иштироқида амалга оширилади. Бу қисмда ўргатиш жараёни секин шиддатда, такомиллаштириш жараёни эса катта тезлиқда кечиши лозим.

Якуний қисм – 3-5 дақиқа давом этади. Бу қисмнинг максади ўта секин шиддатда ижро этиладиган мушакларни бўшаштирувчи ва таранглаштирувчи машқлар ҳамда миллий ҳаракатли ўйинлар ёрдамида чарчоқни бартараф этиш, организмнинг функциялари ва иш қобилиятини тиклашга қаратилади.

Дарс давомида жисмоний сифатларни тарбиялаш, ҳаракат (техник-тактик) малакалари техникасига ўргатиш ва уларни такомиллаштириш турли педагогик услублар ёрдамида амалга оширилади. Бу услублар қўйидагилардан иборат:

- Тушунтириш;
- Кўрсатиш (намойиш этиш);
- Муайян малакани қисмларга бўлиб ўргатиш;
- Малакани тўлиқ ҳолда секин ва катта тезлиқда ўргатиш;
- Қайтариш;
- Ўйин услуби;
- Мусобақа услуби ва хоказо.

Ўргатиш жараёнида, бундан ташкири, рағбатлантириш ва жазолаш, ишонтириш каби усуlldар ҳам ўрин олади.

Ҳар бир услубни қўллашда ўзига хос воситалар (машқлар)дан фойдаланилади.

Волейбол бўйича ўтказиладиган жисмоний тарбия дарси якунида, аксарият ҳолларда, ўқувўйини ўтказилади. Бундай ўйинларни ўтказиш давомида ўйин қондаларини ўзлаштиришга ва ҳакамлик қилиш сирларини ўргатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўргатиш ва такомиллаштириш жараёнида бериладиган вазифа, шу жумладан қўлланиладиган машқлар «оддийдан мураккабга», «ўтилганидан ўтилмаганига» ва «енгилидан оғирига» (нагрузка жиҳатидан) каби дидактик тамойилларга риоя қилиш шарт.

Дарс жараёнини режалаштириш, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тартиби

Дарснинг сифати ва самарадорлиги нафақат ўқитувчининг маҳорати ҳамда тажрибасига боғлиқ, балки уни муайян дарсга қандай тайёргарлик кўришига ҳам боғлиқдир.

Дарсга тайёргарлик кўриш қуидаги тадбирларни амалга оширишдан иборат:

- дарс жараёнини лойиҳалаш (режалаштириш);
- Дарсни самарали ва сифатли ўтказиш моделини ишлаб чиқиш;
- Дарснинг фойдали зичлигини таъминлаш имкониятларини аниқлаш;
- ўқувчилар таркибидан ёрдамчилар тайинлаш;
- Тайёрланган ва тасдиқланган дарс баённомасини кўриб чиқиш, агар зарурият бўлса, ўзгартириш киритиш (дарс баённомаси илова қилинган);
- Ўқувчилар томонидан билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш (баҳолаш) мезонларини кўриб чиқиш;
- Дарс ўтказиш жойи, фойдаланиладиган асбоб, анжом ва ускуналар тайёрлигини кўздан кечириш;
- Дарсдан сўнг навбатдаги дарс қандай фандан эканлигини аниқлаш;
- Ўқитувчининг ўз ташқи қиёфаси ва спорт кийимига эътибор бериши;
- Муайян дарсда иштирок этадиган синф ўқувчиларининг жисмоний ва функционал имкониятларини эътиборга олиш.

Бундан ташқари ўқитувчи қуидаги режалаштирув хужжатлари билан қуролланган булинни шарт:

- Таълим стандарти ва классификатори;
- Ўқув дастури бўлимлари бўйича йиллик ўқув соатларининг тақсимланиш режаси;
- Синфлар, чораклар ва дарслар бўйича йиллик режа-жадвали;
- Чораклар бўйича ўқув материалларини тақсимланиш жадвали;
- Дарс мавзулари акс эттирилган чорак иш режаси;
- Дарс баённомаси;
- Синф журнали.

НАМУНАВИЙ ДАРС БАЁННОМАСИ ШАКЛИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

**ўқув ишлари бўйича директор
муовини _____ /Икромов А.Т./
«__» _____ 2004 йил.**

**7 сиф ўқувчилари учун
3-сонли дарс баённомаси**

Дарс вазифалари:

1. _____
2. _____
3. _____

Дарс ўтказиш жойи: _____ Анжомлар: _____

Дарс қисмлари	Дарс мазмуни	Машқларни миқдорлаш	Ташкилий ва услугбий кўрсатмалар

Дарсни юқори савияда ўтказиш, дарс давомида ўқувчилар фаоллигини таъминлаш, бериладиган вазифа, кўрсатма ва машқлар ижросига уларни онгли ёндошишларига эришиш, жисмоний тарбия дарсига меҳр ва ҳурмат уйғотиш ўқитувчининг нафақат касбий маҳоратига, балки унинг шахси ва инсоний фазилатларига ҳам бевосита боғлиқдир.

9. ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ АСОСЛАРИ

Талабалар илмий-тадқиқот ва ўқув тадқиқот ишлари

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт тизимини шакллантириш, уни янада оммавийлаштириш ҳамда аҳолининг кундалик истеъмолига айлантириш ушбу соҳани илмий асосда ташкил қилишни тақазо этади. Айниқса ўзбек спортини рақобатбардош босқичга қўтариш, уни ҳалқаро миқёсга олиб чиқиш фақат илмий изланишлар, чуқур тадқиқотлар эвазига амалга оширилиши мумкин. Бинобарин, соҳа бўйича таълим олаётган ҳар бир бўлажак мутахассис илмий-назарий жиҳатдан тўла-тўкис қуролланган, ўз касбининг устаси, замонавий, илғор илмий-тадқиқот услубларини ўзлаштирган бўлиши лозим. Демак, институт талабалари, шу жумладан волейбол, баскетбол ва тенnis ихтисосликлари талабалари ўқув режасидаги барча фанлар қатори илмий-тадқиқот ишлари бўйича зарур билим, малака ва кўникмаларни эгаллашлари шарт. Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари биринчи навбатда спортчиларнинг умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлиги ҳамда техник-тактик малакаларни такомиллаштиришга, ўқув тренировка жараёнини шакллантириш, жумладан қўлланиладиган тренировка ва мусобақа нагрузжаларини спортчининг жисмоний – функционал имкониятларига мувофиқлигини аниқлашга қаратилиши даркор.

Илмий-тадқиқот ишларига қўйиладиган талаблар ва илмий ишлар турлари

Спорт ўйинлари бўйича олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишлари маҳсус иўналтирилган мураккаб жараён бўлиб, жисмоний тарбия ва спорт амалиётидаги ҳолат ёки муаммоларни ўрганишга қаратилади. Ўрганиладиган илмий мавзу моҳияти ва йўналиши жиҳатидан долзарб амалий аҳамиятга эга бўлиши керак.

Ҳар бир илмий-тадқиқот ишидан аввал ўрганиладиган муаммо юзасидан илмий «эҳтимол» (гипотеза) белгиланади. Ушбу муаммони ўрганиш натижасида шу «эҳтимол» исбот асосида тасдиқланади ёки тасдиқланмаганлиги эътироф этилади.

Илмий иш ўз мақсади ва вазифаларига мос келувчи муайян режа асосида амалга оширилади. Ҳар бир илмий ишнинг пировард натижаси амалиётта фойдали таъсир кўрсатиши лозим. Ҳар биор илмий иш ўзига хос бўлган текшириловчи объект, илмий услублар ва керакли ускуна-анжомларга эга бўлиши шарт. Илмий текшириш, асбоблар ёрдамида ўлчаш, текширувни ўтказиш шарт-шароитлари ягона стандарт ҳолатда булиши муҳим. Олинган илмий қўрсаткич ва натижалар текширилган жараённи аник ифода этиши зарур.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий иш олиб борувчи ҳар бир тадқиқотчи текшириловчи объект инсон эканлигини ёддан чиқармаслиги талаб қилинади.

Илмий тадқиқотнинг якуний натижалари қуйидаги иш шакллари билан ифодаланиши мумкин:

- илмий маъруза ёки унинг тезиси (қисқача матни);
- илмий мақола;
- илмий тавсиянома;
- илмий ахборот;
- реферат;
- илмий ҳисобот;
- илмий қўлланма;
- диплом иши;
- магистрлик диссертацияси;
- номзодлик диссертацияси;
- докторлик диссертацияси;
- монография.

Илмий маъруза – семинар, конференция, симпозиумларда олимлар диққатига тақдим этилади ва ўз ичига илмий-тадқиқот ишлари бўйича муайян мавзу моҳиятини очиб беришга қаратилади.

Илмий мақола – муайян илмий тадқиқотнинг айрим босқичи ёки якунланган натижалари таҳлилини илмий журнал, тўплам ва бошка нашриётлар орқали эълон қилинади.

Илмий тавсиянома – босқич ёки якунланган илмий иш натижалари, уларнинг таҳлили ва хулосалари асосида амалиётта тақдим этиладиган таклифлар мажмуасини ўз ичига олади. Одатда, бундай тавсияномалар аввал амалиётта тадбиқ этилади, сўнг уларнинг

аҳамияти ва амалий самараси тан олингач, расмий равища тасдиқланади.

Илмий ахборот – аксарият ҳолларда тезкор йиғилишларда, илмий раҳбар, илмий ходимлар ва амалиёт мутахассислари олдида илмий тадкиқотнинг бориши ёки унинг якуний натижалари ҳақида қисқа оғзаки маълумот бериш билан ифодаланади.

Реферат – илмий ишнинг ушбу шакли танланган илмий мавзу доирасидаги ёки шу мавзуга бевосита алоқадор адабиётлардан маълумотлар тўплаб, уларни таққослаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш орқали ўрганиладиган муаммо долзарблигини исботлаб берувчи ёзма фикр-мулоҳазалардан иборат бўлади.

Илмий ҳисобот – тўлиқ якунланган илмий тадқиқот ёки унинг айрим қисми бўйича олинган натижаларнинг атрофлича таҳлили ва хулосаларини акс эттирувчи илмий иш бўлиб, ёзма равища илмий маъмуриятга тақдим қилиш учун тайёрланади. Илмий ҳисобот фан ва техника бўйича давлат маъмурияти томонидан белгиланган талаблар асосида ишлаб чиқилади ҳамда диссертациялар каби барча бўлим, боб ва бандлар матнини ўз ичига олади.

Илмий қўлланма – кўп йиллик илмий-тадқиқот натижалари ва хулосаларига асосланган ҳолда яратилади. Илмий қўлланма турли мавзуларга оид масалалар моҳияти, назарий асослари, уларни ўрганиш услубияти ва воситаларини ёритиб беришга қаратилади.

М: спорт тайёргарлигининг турли давр ва босқичларида ўқув-тренировка машгулотларининг илмий-услубий асослари очиб берилниши мумкин.

Диплом иши, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертациялари – жисмоний тарбия ва спорт соҳасида муайян долзарб мавзуни илмий тадқиқот асосида чуқур ҳамда атрофлича очиб беришга қаратилади. Ушбу илмий ишлар ўзиниг мақсад ва вазифалари илмий янгилиги, амалий аҳамияти ва тавсиялари, асосланган хулосаларига эга бўлиши лозим.

Монография – кўп йиллик илмий-тадқиқот ва изланишлар натижалари асосида ишлаб чиқиладиган ва китоб шаклида нашр қилинадиган йирик илмий иш маҳсули.

Илмий-тадқиқот услублари, изланувчи объект ва ўрганилувчи предмет.

Илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва ўтказишида энг асосий услубларидан бири педагогик кузатув бўлиб ҳисобланади. Педагогик кузатув олдиндан пухта ишлаб чиқилган махсус режа асосида амалга оширилиб, ўз мақсад ва вазифаларига эга бўлиши даркор. Педагогик кузатувни маълум тартибда мунтазам олиб борилиши муҳим шартлардан биридир.

Педагогик назорат муайян объект (спортчи, жамоа, машгулот, мусобақа ва ҳоказо) устидан маълум вазифа билан белгиланган жараёнлар (машғулот ҳажми, шиддати, спортчининг функционал ҳолати ёки унинг ўзгариши ва ҳоказо) бўйича ўтказилади. Ҳар бир кузатилаёттан жараён статик қонунияларга кўра аниқ исбот қилиш учун етарли даражада ўрганилиши керак.

Спорт тизимида, жумладан спорт ўйинчиларига оид спорт турлари доирасида илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш даставвал шу турлар амалиётига хос турли йўналишдаги илғор тажрибаларни ўрганишни талаб қиласди. М: етакчи тренерлар тажрибаси, етакчи спортчилар тажрибаси, етакчи жамоалар тажрибаларини ўрганиш. Ушбу тажрибаларни ўрганиш услубий жиҳатдан қўйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Режа тузиш;
2. Мақсад ва вазифаларни белгилаш;
3. Ўрганиладиган асосий масалаларни белгилаб олиш;
4. Олинган натижаларни статистик жиҳатдан умумлаштириш.

Ўрганиладиган жараёнлар:

- адабиётларни таҳлил қилиш;
- режалаштириш ҳужжатларини ўрганиш;
- педагогик кузатув;
- тренирока машғулотларини қайд этиш;
- сўровнома ўтказиш;
- сұхбатлар ўтказиш;
- машғулот ва мусобақалар натижаларини (ўйин малакалари сони, ҳажми ва самараси) тўплаш;
- кундалик дафтарларни ўрганиш.

Илмий тадқиқот услублари.

- хронометрия;
- стенография;
- динамометрия;
- миография;
- пульсометрия;
- кардиография;
- спирография;
- радиометрия;
- энцефалография ва ҳ.к.

Муайян илмий иш даставвал ўрганиш учун танлаб олинган объект ёки жараённинг ҳолати ва унинг динамикаси белгиланган мақсадга мос равишда узоқ вақт давомида тадқиқот асосида текширилади. Олинган натижалар чуқур ва атрофлича таҳлил қилинади. Текширув статистик жиҳатдан етарли даражада амалга оширилганидан сўнг маҳсус режага биноан педагогик тадқиқот 1-2 йил давомида ўтказилиши мумкин. Педагогик тадқиқот ўтказиш учун текширувчиларнинг ёши, жинси, жисмоний ва спорт тайёргалиги имконияти борича бир хил бўлган иккита гурух танлаб олинади. Текширувчилар сони уларнинг спорт малакаси, белгиланган мақсад ва вазифаларга қараб 10-15 тадан 50-100 тагача бўлиши мумкин. Тадқиқотда иштирок этадиган икки гуруҳдан бири назорат гуруҳи, иккинчиси эса тадқиқот гуруҳи деб аталади.

Назорат гуруҳи амалдаги дастур асосида шуғулланаверади. Фақат ушбу гурух тадқиқот бошида, ўртасида ва якунида танланган илмий услублар ёрдамида текширилади.

Тадқиқот гуруҳи эса тадқиқотчи томонидан илмий асосда ишлаб чиқилган маҳсус режа дастур бўйича шугулланишини давом эттирадилар. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифасига қараб текширилувчилар ҳар машғулот давомида ёки босқичма-босқич текширилади.

Тадқиқот муддати икки гуруҳда бир хил бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Илмий-тадқиқот ва услугий ишларни ташкил қилиш малакаларини ўзлаштириш.

Адабиётлар билан ишлап. Талаба таълим олиш давомида илмий адабиётлар билан ишлап, маълумотларни таҳлил қилиш, уларни таққослай билиш, умумлаштириш ва бибиографик кўрсаткичлари билан ўзича реферат тарзида баён қилиб олишни ўрганиши лозим.

Илмий услубларни ўрганиш, уларни тадқиқотда қўллаш технологиясини ўзлаштириш, тадқиқот натижаларининг илмий моҳиятини билган ҳолда таҳлил қилиш «илмини» эгаллаш, натижаларни статистик услугда ҳисоблай билиш ва бошқа шунга ўхшаш билим ва малакаларни шакллантириш талаба учун илмий-тадқиқотни самарали ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Агар илмий услублардан фойдаланиш мураккаб техник воситалар (асбоб, аппарат, компьютер, тренажер ва ҳ.к.) ёрдамида амалга ошириладиган бўлса, унда шу техник асбобларни ишлатиш малакасини ҳам пухта ўзлаштириш керак бўлади.

Курс ёки диплом ишларини ва умуман илмий «маҳсулот»нинг барча турларини «ишлаб чиқариш» технологиясини ўрганиш, илмий адабиётлардан маълумотлар туплаш, илмий иш мавзусини танлаш, мақсад ва вазифаларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва бошқа малака-қўнималар ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун талабага қуидаги «Методик қўлланма» билан танишиб чиқишини тавсия қиласиз:

О.Т.Расулов, Х.А.Исматуллаев. Жисмоний тарбия институтида мутахассислик бўйича курс (диплом) ишини тайёрлаш хусусиятлари. Тошкент. 1993. 20 б.

Ушбу методик қўлланма билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

АДАБИЁТАР

1. Айрапетьянц Л.Р., Клешев Ю.Н. Волейбол. Учебник для ИФК. М., ФиС, 1985.
2. Айрапетьянц Л.Р., Годик М.А. Спортивные игры. Т., 1991.
3. Айрапетьянц Л.Р., Пулатов А.А. Юқори малакали волейболчиларни тайёрлашда танловнинг ўрни. «ЖТ, спорт вамаънавият» тўплами, Т., 1995.
4. Ахмеров Э.К. Волейбол для начинающих. Поурочная. 1986.
5. Бриль М.С. Отбор в спортивных играх. М., ФиС, 1980.
6. Верхошанский Ю.В. Основы специальной физической подготовки спортсменов. М., 1988.
7. Губенко Л.Я. Организация и судейство соревнований по волейболу. М., ФиС, 1988.
8. Железняк Ю.Д. К мастерству в волейболе. М., ФиС, 1979.
9. Железняк Ю.Д., Слупский Л.Н. Волейбол в школе. М., ФиС, 1989.
10. Ивойлов А.В., Железняк Ю.Д. Волейбол. Учебник для ИФК. М., ФиС, 1991.
11. Ивойлов А.В. Очерки по биомеханике и методике тренировки. М., ФиС, 1981.
12. Клещев Ю.Н., Айрапетьянц Л.Р., Паткин В.Л. Волейбол. Книга тренера. I часть Т., 1995.
13. Матвеев Л.П. Теория и методика физического воспитания. М., 1994.
14. Матвеев Л.П. Проблемы периодизация спортивной тренировки. М., ФиС, 1964.
15. Наботникова М.Я. Основы подготовки юных спортсменов. Под общ. ред. М., ФиС, 1982.
16. Перльман М.Г. Специальная физическая подготовка. М., 1969.
17. Пўлатов А.А. Волейбол. ЖТИ талабаларига мўлжалланган дастур. Ихтисослик курси. Т., 1993.
18. Пўлатов А.А. Ҳаракатни аниқ ижро этишда вестибуляр анализаторнинг ўрни. «ЖТ, спорт ва маънавият» тўплами. Т., 1995.
19. Пўлатов А.А. Ўргатиш услубиятига ноанъянавий ёндошиш масалалари. В сб. науч. конф. преподавателей и студентов. Т., 1994.
20. Программа для ДЮСШ. Группа начальной подготовки.
21. Чехов О.С. Юный волейболист. М., ФиС, 1988.
22. Чехов О.С. Основы волейбола. М., ФиС, 1979.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
1. Волейбол ихтисослиги фани, унинг моҳияти ва ўрни	5
2. Волейболнинг вужудга келиши, ривожланиши ва ҳозирги аҳволи	11
3. Ўзбекистонда волейболнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи	25
4. Ўзбекистонда волейбол тараққиётини бошқариш	44
5. Мусобақа қоидалари, уларнинг шаклланиши ва замонавий ўйин қоидаларининг қисқача изоҳи	49
6. Ўйин техникаси	53
7. Волейбол ўйини бошланғич малакаларининг техникасига ўргатиш услубияти	61
8. Волейбол бўйича дарс ўтказиш услубияти	68
9. Илмий-тадқиқот асослари	73